

Б. М. АМИНОВ

ЭТНОГРАФИЯ  
ОЛАМИГА  
САЁҲАТ

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1988

Дунёда халқлар ва элатлар кўп. Уларни ҳар бирининг ўзига хос келиб чиқиши тарихи, турмуши, моддий ва маънавий маданияти, турфа урф-одатлари бор. Буларни махсус фан, этнография ўрганади. Мазкур рисолада дунё халқларининг айрим урф-одатлари, эл-элатлар, буюк олим Миклухо-Маклайнинг қизиқарли изланишлари, аجدодларимизнинг ноёб хазиналари, қадимий Урта Осиё халқларининг мифологияси билан боғлиқ алвасти, шунингдек этнография музейлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисола кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р  
тарих фанлари доктори К. ШОНИЕЗОВ

Т а қ р и з ч и л а р :  
тарих фанлари кандидатлари Т. ФАЙЗИЕВ, Т. ТОШБОЕВА

Билол Аминов

## ПУТЕШЕСТВИЯ В МИР ЭТНОГРАФИИ

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир ҳайъати*  
*томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Х. Зарипова*  
Рассом *А. Баҳромов*  
Техмуҳаррир *Н. Абдурахмонова*  
Корректор *М. Шамсутдинова*

ИБ № 4210

Теришга берилди 13.04.88. Босишга рухсат этилди 1.06.88. Формат 84×108<sup>1/16</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма л. 2,94. Ҳисоб-нашриёт л. 3,0. Тиражи 5500. Заказ 119. Баҳоси 10 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

А  $\frac{050800000-3848}{М 355 (04)-88}$  192—88 © Ўзбекистон ССР  
«Фан» нашриёти, 1988 й.

ISBN 5—648—00104—5

## ТАДҚИҚОТ МАНБАИ — ХАЛҚ

Ҳозир ер юзида уч мингдан зиёд катта-кичик, кўҳна ва тарихан яқинда вужудга келган халқлар, элат ва қабилалар яшайди. Уларни ҳар бирининг ўзига хос маданияти, тарихий мероси борки, у жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган.

Халқларнинг келиб чиқиши, турли территорияларда жойлашиши, уларнинг ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, халқларнинг бир-бири билан тарихий-маданий муносабати, турмуш тарзи ва тараққиётини этнография фани ўрганади.

Этнография юнонча сўз бўлиб, «этнос» — халқ, «графейн» — ёзиш, яъни халқларнинг турмуш тарзи ва маданиятини ўрганувчи фан деган маънони англатади. Эндиликда илмнинг бирон бир соҳаси йўқки, у ёндош фанлар билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда тадқиқот олиб бормасин. Шу жумладан этнография ҳам. Масалан, бу фан халқларнинг ҳозирги ҳаётини ўрганар экан, социология ва географияга мурожаат қилади, тарихий тараққиёт давомида жаҳон халқларининг келиб чиқиши ва уларнинг тарқалишини ўрганишда эса бевосита тарих ҳамда археология фанлари натижаларига таянади.

Этнографик билимлар жуда қадим замонлардан маълум бўлса-да, лекин у фан сифатида XIX асрнинг ўрталаридагина шаклланган. Бунга ўша вақтларда кўпгина мамлакатларда этнография фанига эътибор кучайганлиги, алоҳида илмий жамиятлар пайдо бўлганлиги, этнографияга оид журнал ва илмий асарлар нашр этила бошлаганлиги сабабдир.

Мамлакатимизда Совет ҳокимияти йилларида этнография фани кенг кўламда ривожланди, бу соҳада тадқиқот олиб бориш учун барча имкониятлар яратилди.

Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда этнография илмининг ривожланиши бой тарихга эга. Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёда бир қатор фанлар, айниқса фалсафа, тарих, маъданшунослик, табобат, математи-

ка, астрономия анча ривож топган. Шу билан бирга этнографияга оид талайгина бебаҳо асарлар яратилганки, булар халқимизнинг ўтмиш маданияти хусусида ноёб маълумотлар беради. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Сайдана», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Бобурнинг «Бобурнома» асарлари бой этнографик мерос бўлиб қолди.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин бошқа фанлар қатори этнография фанига қизиқиш бирмунча жонланди. Тошкентда археологик тўғарақлар ташкил топа бошлади. Ўрта Осиёга келган саёхатчи ва шарқшунос олимлар маҳаллий зиёлилар ёрдамида дастлаб Зарафшон водийси, кейинчалик Ўрта Осиёнинг бошқа район аҳолиси тўғрисида қимматли этнографик маълумотлар тўпладилар.

Таниқли рус олимларидан В. В. Бартольд, И. П. Минаев, В. В. Радлов ва бошқалар Ўрта Осиё халқларининг уруғларга бўлиниши, шаҳар тузилиши ва турмуши, бозорлар, ҳунармандчилик устахоналари, деҳқончилик қуроллари, уй-рўзғор анжомлари каби бир қатор масалалар хусусида тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин мамлакатимизда, шу жумладан, Ўзбекистонда фан барқ уриб ривожлана бошлади ва этнограф олимлар етишиб чиқди. Улар бошқа қардош халқлар сингари ўзбекларнинг турмуш тарзи, маданияти, ҳўжалигида ҳамда ижтимоий ҳаётини атрофлича ўрганишга киришдилар.

Мамлакатимизда Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари этнографик тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Чунки, капитализмни четлаб феодализмдан бевосита социализмга ўтган халқларнинг ҳўжалик, маданий турмуш тарзини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда этнографларнинг тавсиялари жуда қўл келди. Бирон бир халқни батафсил таърифлашда улар маданиятидаги ўзига хос хусусиятларни махсус ўрганиш зарур. Бундай ўзига хослик кундалик юриш-туришда, урф-одатда, муомалада, уй-жой қуришда, хоналарни безаш ва ҳоказоларда яққол намоён бўлади. Жаҳон халқларининг анъанавий уй қуриш услублари ниҳоятда хилма-хилдир. Масалан, меланезияликларнинг қозиқлар устига қурадиган кулбаси, жануби-шарқий осиеликларнинг сув устидаги уйлари, ўртаосиеликларнинг синч уйлари, шимол халқ-

ларининг ўтовлари, эскимосларнинг қор уйлари — ҳар бир халқнинг ўзига хос яшаш тарзини белгиловчи муҳим белгилардан ҳисобланади.

Халқ анъаналари орасида кўзга яққол ташланадиган белгилардан бири таом хилларидир. Бунда айрим халқлар «ҳаром» деб ҳазар қиладиган озуқани бошқа халқ вакиллари бемалол истеъмол қилаверади. Айрим халқлар фақат мева-сабзавот билан кун кечиришса, баъзилар асосан гўшт ёхуд балиқ билан тирикчилик қилишади. Кўпчилик халқларда у ёки бу озуқа қатағон ҳисобланиб, уни истеъмол қилиш ман этилган. Масалан, аксари ҳинд халқлари мол гўштини, ислом ва будда динидагилар эса чўчқа гўштини оғизга олишмайди. Сут ва сут маҳсулотларини умуман тановул қилмайдиган халқлар ҳам бор.

Жаҳон халқларида оила қуриш билан боғлиқ расм-русмлар ҳам хилма-хил. Ҳозир ер юзидаги аксари халқларда бир никоҳлилик кенг тарқалган, лекин ҳанузга қадар кўп хотинлик одати сақланиб қолган халқлар ҳам учрайди. Никоҳ тўйлари ва унаштириш удумлари ҳам турли халқларда турличадир. Баъзи халқларда, масалан Қалимантан оролидаги пунан қабиласида йигит билан қиз қабила оқсоқоллари ҳузурига келиб, оила қуришга қарор қилганликларини маълум қилишса бас, олам гулистон. Айрим халқларда, масалан, Афғонистоннинг коша қабиласида тўй маросими икки кун, Ҳиндистондаги баъзи элатларда эса саккиз кун давом этади. Европа халқларида тўйга фақат яқин қариндош-уруғлар, Урта Осиё халқлари ва Қавказда эса қариндош-уруғлардан ташқари, таниш-билишлар, маҳалла-кўйдан ҳам меҳмонлар таклиф этилади. Баъзи халқларда келин билан куёвнинг ўз тўйида иштирок этиши уят ҳисобланади.

Кундалик юриш-туришда ҳам талайгина ажойиб удумлар борки, булар бошқа халқларга эриш туюлиши мумкин. Масалан, болгарларда бошни сарак-сарак қилиш ризолик аломатини, бошни силкитиш эса эътирозни билдиради.

Анъанавий турмуш маданиятига алоҳида эътибор бериш баробарида этнография умумбашар маданиятининг энг муҳим жиҳатларини очиб берадиган муаммоларни ҳам ҳал этишга кўмаклашади. Этнографик тадқиқотлар жамоа тузумининг дастлабки босқичларидаги маданият тарихини тиклашда алоҳида аҳамият касб этади, шунингдек барча халқ ва элатлар маданий та-

раққиётга қодир эканлигини аниқ далиллар асосида исботлаб беради.

Шуни таъкидлаш керакки, этнографларнинг илк жамоа тузуми шаклланган даврда кишилар ўртасидаги муносабатларни таҳлил этиш билан боғлиқ материалларни тўплашлари тобора қийинлашиб бормоқда. Гап шундаки, ҳозир ер юзида ибтидий жамоа тузумида яшаётган ёки ўша кўҳна замонлар удумларига риоя қилаётган қабилани топиш амримаҳол. Ҳатто ўтган асрда ҳам бундай қабилалар яккам-дуқкам эди. Америка қитъаси кашф этилганидан сўнг индеецлар сони кескин камайиб кетди. Маълумотларга қараганда Тасмания оролининг охириги туб вакили 1876 йили ҳалок бўлган. Ҳозир Австралияда тубжой аҳолиси бармоқ билан санарли даражада сақланиб қолган. Фақат Янги Гвинея ва Жанубий Америка чакалакзорларидаги оз сонли қабилаларгина ибтидий хўжалик ва жамоа тузуми тартибида ҳаёт кечирмоқдалар.

Хўш, биз яшаётган ўлкада қадим замонларда истиқомат қилган халқлар қаёққа кетдилар? Ўзбек халқи шакллангунга қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаган сак-массает қабиласи, суғдийлар, бақтрияликлар нима учун бизнинг замонга қадар яшаб келмадилар? Бир қарашда оддий туюлган бу саволларга жавоб излаш мушкул. Бундай мисолларни ҳал этиш билан, юқорида айтиб ўтганимиздек, тилшунос, тарихчи, археолог ва этнограф олимларимиз шуғулланмоқдалар.

Халқнинг ҳозирги турмуш тарзини ўрганишда этнографлар социологлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар, улар ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини ўрганадилар. Социолог мутахассис оиланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, алоқасини ўрганса, этнограф оила урф-одати, рўзгор тутиши каби масалаларни тадқиқ этади. У ўтмишни тадқиқ қилар экан, архив материалларини, музей коллекциялари ва ёзма манбаларга, шунингдек, антропология, археология ва лингвистика маълумотларига суянади, ҳозирги замонга оид манбаларни эса бевосита ўша халқ турмушини кузатиш асосида ўрганади.

Ҳозир республикамизда яшаётган халқларнинг этник таркиби, этногенези, қишлоқ аҳолисининг моддий ва маънавий маданияти, ишчи синфининг турмуши ва маданияти, янгича урф-одатларни турмушга жорий этиш муаммолари устида тадқиқотлар ўтказилаяпти. Олимларимиз томонидан олиб борилаётган турли хил

этнографик тадқиқотлар Ўзбекистон халқларининг келиб чиқиши, моддий ва маънавий маданияти, ўзига хос турмуш тарзи, оила ва оилавий турмуш муносабатларини мукаммал равишда умумлаштиришга ва бу болада чуқур илмий хулосалар чиқаришга имкон беради.

Хуллас, этнографларнинг тадқиқот манбаи кенг ва ранг-баранг. Қуйида этнограф олимлар қўлга киритган айрим материалларни, жаҳон халқларининг урф-одатларига доир қизиқ-қизиқ воқеаларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

Дарвоқе, ўзга юртлардаги қабилаларга бориб, улар ичида яшаб, тадқиқот олиб бориш кишидан катта матонат талаб қилади. Ана шундай жасур тадқиқотчилардан бири Миклухо-Маклайдир. Суҳбатимизни унинг кўрган-кечирганларидан бошлаймиз.

### Жаҳонгашта жасорати

«1 октябрь. Саҳарда уйғониб, яқин ўртадаги бирон қишлоққа бормоқчи, маҳаллий аҳоли билан танишмоқчи бўлдим. Милтиқни олсаммикан ёки... Бир оз ўйлагач, милтиқни олмайдиган бўлдим. Юра-юра бир қишлоққа яқинлашганимда, эркак ва аёллар товуши қулоғимга чалинди. Кўн ўтмай, ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги бола югуриб келди-да, олти-етти қадам нарида тўхтади. Биз бир неча дақиқа бир-биримизга тикилиб турдик. Гапирганим билан тушунтиролмайман, олдига борсам чўчиб кетиши мумкин. Бола орқасига кескин бурилди-да, зинғиллаганча жўнаб қолди. Хиёл ўтмай, бола кетган томондан овозлар эшитилди, хотинлар қийчув кўтаришди, сўнг сув қуйгандек сукунат чўкди.

Ўша томонга йўл олдим. Қарасам, майдончада найза билан қуролланган бир тўда киши қизғин суҳбатлашяпти. Нарироқда ҳам қуролланган анчагина одамлар бор. Мени кўриши билан бир неча киши найза отишга тараддудланди. Лекин ҳар томондан хитобнома овозлар эшитилгач, найзалар туширилди. Беш-олти қадам юриб, атрофга назар ташладим, шунда бир неча маҳаллий киши олдимга келди. Айни вақтда кетма-кет отилган икки найза нақ бурнимга теккудек ғизиллаб ўтди. Ёнимдаги кишилар, эҳтимол, найза отганларга қарата бўлса керак, бақриб алланималар дейишди, кейин менга қараб, бу найзалар дарахтдаги қушларга отилганлигини уқтирмоқчи бўлишди. Фаҳмлашимча, найзалар мени синаш учун отилган бўлиши керак. Чунки биринчи найза отилгани ҳамоно ҳамманинг нигоҳи

менда бўлди. Майдондаги оломон менга гўё бизнинг осуда ҳаётимизни бузгани келдингми, шум қадам, деб ранжиётгандек туюларди. Ўзимни ўнгайсиз сездим. Одамлар сони кўпаяверди. Афтидан, қўшни қишлоқлар ҳам бу воқеадан хабар топган кўринади. Мени бир тўда одамлар ўраб олишди. Уларнинг икки-уч нафари бақириб сўзлашиб, менга жаҳолат билан қараб қўйишарди. Улардан бири найзасини шундай эпчиллик билан ўйнатдики, кўзимга тиқиб олишига бир баҳя қолди. Дарҳол икки қадам орқага тисралдим. Атрофдагилар унинг бу ҳаракатидан норози бўлишди, чамаси. Шунда милтиғимни уйда қолдириб, тўғри иш қилганимга ич-ичимдан суюндим.

Сирасини айтганда каловланиб қолдим. Маҳаллий қабила тилини билмайман. Уйга қайта қолсам яхши бўларди. Лекин йўл олис. Бир ёқдан мудроқ босяпти. Таваккал қилиб, бир соя жой танладим-да, узала тушиб пинакка кетдим...»

Муҳтарам китобхон бу кимнинг эсдалиги экан, деб ҳайратланаётган бўлишингиз мумкин. Бу хотирот Янги Гвинеядаги ёввойи папуаслар қабиласи билан илк бор учрашган машҳур рус сайёҳи Николай Николаевич Миклухо-Маклайнинг бундан 116 йил муқаддам қоғозга туширган кундаликларидан олинди.

Қуйида ана шу ажойиб илмий жасорат соҳиби ҳақидаги ҳикоямизни этиборингизга ҳавола қиламиз.

Петербург гимназиясида таҳсил кўраётган Николай 1862 йили 16 ёшида дарсларни «ўзлаштиролмаётганлиги» баҳонасида гимназиядан ҳайдалади. Асл сабаби унинг студентлар намоишида қатнашганлигида эди. У шундан кейин, Россиядаги бошқа олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлгач, чет элга боришга рухсат олади.

Николай Германиянинг Гейдельберг, Лейпциг, Йена университетларида таҳсил кўради.

Йена университетида зоология профессори Э. Геккель Николайда табиёт илмига иштиёқ сезиб, ёзги семестр тугаши билан уни Канар ороллариغا илмий саёҳатга олиб кетади. Ёш студент у ерда сув жониворларини ва акула миясини ўрганади.

Миклухо-Маклай 1868 йили Йена университетини тамомлагач, Россияга қайтишдан олдин, Сицилия оролига, кейин Қизил денгиз соҳилларига саёҳат қилади. У ҳайвонот оламини тадқиқ этиш билан бирга одамнинг ирқ типларини ҳам ўргана бошлайди.

Орадан бир йил ўтгач, 23 ёшли олим Миклухо-Мак-



лай Россия География жамиятига мурожаат этиб, ундан ўзи тузган саёҳат планини, яъни Тинч океанда жойлашган, ҳали Европага маълум бўлмаган Янги Гвинея соҳилларидаги аҳолини антропологик тадқиқ этиш режасини муҳокама қилишни, шу муносабат билан Тинч океан флотилиясидаги рус ҳарбий кемаларининг бирида Янги Гвинеяга боришга рухсат берилишини илтимос қилди.

Янги Гвинеянинг кўп йилларга мўлжалланган тадқиқот объекти сифатида танланишининг боиси шундаки, бу орол тубжой аҳолисининг тараққиёт тарзида ибтидий тузумнинг кўп жиҳатлари мужассамлангандир. Зеро, ҳали бу жойларга Европа мустамлакачилари етиб келмасдан тезликда папуаслар этнографияси ва антропологиясига оид материалларни тўплашга улгуриш керак эди. Россия География жамияти Миклухо-Маклайни Тинч океан ҳарбий эскадрильясининг «Витязь» кемасида Янги Гвинея оролига элтиб қўйиш учун ҳукуматдан рухсат олди.


1870 йил 8 ноябрида кема Кронштадт портидан чиқиб, Копенгаген, Мадейра, Пасхи, Таити, Самоа ва Янги Ирландия оролларида оз-оздан тўхтаб, 346-куни 1871 йил 19 сентябрида Янги Гвинея оролининг шимоли-шарқий соҳилига етиб борди. Шундай қилиб, Миклухо-Маклай Янги Гвинеяга қадам қўйган биринчи европалик бўлди.

Миклухо-Маклайнинг ёзган мақолалари, тузган кундаликлари, ўз қўли билан чизган расмлари ҳамда тўплаган коллекциялари ва этнографик материаллари жаҳон этнография фанининг қимматли бойлиги бўлиб қолди.

Маклай ўз кундаликларида папуасларнинг турли урф-одатлари, тўй ва дафн маросимлари, хўжалик юриши ва ов усуллари, шунингдек қандай бола тарбиялашлари, ерни ишлаши ва ҳоказолар ҳақида батафсил маълумот берган.

Миклухо-Маклай папуаслар қиёфасини, қадди-қомати келишганлигини, уларнинг хушфеъл, ақлли, тўғри сўз, зеҳнли эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Янги Гвинея папуаслари ўша вақтларда тош даври даражасида яшаётган одамлар эди. Улар дарахтларни қўпол тош болта билан кесганлар, чиғаноқ косаида овқатланганлар, ерни бармоқлари билан юмшатганлар, суяк қуроллар билан гўшт кесганлар, мураккаб нақшлар ўйганлар. Бу маълумотлар Миклухо-Маклай кундаликларида баён этилган.



Аста папуасликлар қишлоқларига мослашиб, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатларини ўргана бошлаган олим маҳаллий аҳолининг турли маросимларида иштирок этади.

У ўз кундаликларида бир қанча маросимларни, чунончи дафн маросимини баён этган. Папуаслар мурдани кўммай кулбада обдон чиритишар экан. Бунинг учун ўлган кишини чўққайиб ўтирган ҳолатга келтириб, унинг атрофига кокос пальмаси баргларида сават тўқишаркан. Марҳумнинг хотини унинг олдида икки ёки уч ҳафта, яъни мурда буткул ириб оқиб, қоқ суяги қолгунча олов ёқиб ўтираркан. Таомилга кўра, агар барча хотинлари ва болаларидан узоқ яшаб, мурда олдида олов ёқиб ўтирадиган кишиси қолмаган одамнинггина мурдаси кўмиларкан.

Миклухо-Маклай папуасларнинг расм-русмлари ва одатларига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. У папуаслар қишлоғига яқинлашар экан, узоқдан хуштак билан аёллар ва болаларни огоҳлантирган, чунки улар оқ танли кишидан яширинишган. Безгак касаллиги тез-тез хуруж қилиб туриши ва бунинг устига оёғи ярадорлигига қарамай, Маклай қишлоқлардаги беморларга дори-дармон билан ёрдам бериб турган, қабилалар ўртасидаги урушларнинг олдини олиб, катта обрў ва ишонч қозонган.

Бегона юрт ёш олим учун бутунлай бошқа олам эди. Папуаслар орасида яшаш уни ҳар кун янги-янги кашфиётларга олиб келарди. Шунинг учун, эҳтимолий тасодифлар нуқтаи назаридан, Миклухо-Маклай «Витязь» ҳарбий кемасида уни кузатиб келган рус офицерларига, оролга тушган вақтда бир жойни кўрсатиб, ўзининг кундаликлари ва барча ёзувларини сув, ҳаво ўтказмайдиган цилиндрга солиб, шу ерга кўмиб қўяжagini, агар бирон бахтсиз ҳодиса рўй бергудек бўлса, шу кундаликларни Россия География жамиятига албатта топширишни илтимос қилган.

Миклухо-Маклайнинг Янги Гвинеяда олиб борган тадқиқотлари кўлами ниҳоятда кенг. У маҳаллий аҳоли тилини ўрганиб луғат тузди, кўп қизиқ ҳодисаларни аниқлади. Маълум бўлишича, бир қишлоқнинг аҳолиси иккинчи қишлоқдагиларнинг тилига тушунмас экан. Папуаслар ҳар 10—15 йилда суннат тўйи ўтказишар экан. Бу тўйда 4 ёшдан 19 ёшгача бўлган болалар ва ҳатто уйланган йигитлар йилнинг муайян мавсумида маълум кулбаларда йиғилишиб, бир қишлоқдан иккин-

чи қишлоққа машъала кўтариб қий-чув билан боришиб, суннат тўйи маросимини ўтказишар экан.

Янги Гвинеяда Миклухо-Маклай фақат тадқиқотчи сифатидагина эмас, балки маърифатпарвар тарзида ҳам иш олиб борди. У папуасларга фойдали ўсимлик уруғларини совға қилди, уларни металл қуроллардан фойдаланишга ўргатди, ўзининг юриш-туриши билан маҳаллий аҳолига инсонпарварлик, эрқпарварлик туйғулари каби хислатларини намойиш қилди. «Мени папуаслар ўз одамларидек қабул қиладиган бўлиб қолишди,— деб ёзади ўз кундаликларида Миклухо-Маклай.— Бир куни папуасларнинг кулбасига кирганимда умримда биринчи марта кускус деган ҳайвонни кўрдим. Мен уни темир пичоқ эвазига кулбамга олиб кетиб ўргатмоқчи эканимни айтганимда: «Болаларимиз гўштсиз қолишади-ку»,— дейишди уялинқираб. Мен бу ҳайвонни олиб кетганимда ҳам папуаслар эътироз билдиришмасди, лекин инсоф юзасидан бу иш менга маъқул эмасди, чунки бу уларнинг мулки эди».

Соҳил атрофида жойлашган аҳоли бир неча ой ўтгач, сайёҳнинг чин дўст ва одамийлигига, хавфсиз шахс эканига ишонч ҳосил қилгач, уни сидқидилдан ҳурмат қила бошлаган. Миклухо-Маклайнинг ҳар гал папуаслар қишлоғига келиши мезбонларни қувонтирган. Улар олимни кундуз кунлари пальма соясига ёки бирон соя жойга, кечқурунлари эса гулхан атрофига ўтказишар, пиширилган ёввойи чўчқа гўшти билан сийлашар, тунаб қоладиган бўлса, қулайроқ жой тайёрлаб, муздек кокос шарбати билан меҳмон қилишаркан. Агар кечқурун у ўз кулбасига қайтмоқчи бўлса, ёшлар уни машъала ёқиб, ўрмон ичидан кузатиб қўйишган. Шу доно одамни ўз кўзлари билан кўриш, энг оғир касалларни даволатиш, олов чиқаришни ўрганиш мақсадида Маклай кулбасига жуда кўплаб папуаслар келишаркан. Улар балиқ, кокос, банан келтиришар, Маклай эса уларга мих, темир пичоқ, турли ўсимлик уруғлари бераркан.

Толмас сайёҳ Миклухо-Маклай 10 йил мобайнида тропик мамлакатларни, Тинч океаннинг кўпгина оролларини кезди. У Малакка ярим оролидаги митти одамлар — негритослар билан яқиндан танишди. Маҳбуслар сургун қилинадиган машъум Янги Каледония оролида Париж коммуналарини кўрди.

Утган асрнинг 70—80-йилларида Миклухо-Маклайнинг саёҳатлари матбуотда мунтазам равишда ёритиб турилди. Петербург университети талабаларининг Мак-

лайга йўллаган хатида шундай сатрларни ўқиймиз: «Сизнинг номингиз биз студентлар учун ниҳоятда қадрли. Чунки Сиз каби жасур сайёҳлар, фан машъалини дадил кўтарган олимлар бармоқ билан санарли».

Улуғ ёзувчи Лев Толстой Миклухо-Маклай тадқиқотлари билан танишгач: «Одам ҳамма ерда ҳам одам эканини Сиз ишончли далиллар асосида астойдил жасорат, жамиятимизда камдан-кам учрайдиган маҳорат билан исботлаб бердингиз»,— деб ёзган эди.

Миклухо-Маклай Сидней шаҳри губернаторининг қизига уйланди ва 1882 йили ўз Ватанига қайтиб, асарларини нашр этиш ҳаракатига тушди. Лекин бевақт ўлим унинг ниятларини тўла-тўқис амалга ошишига монелик қилди — у 1888 йил апрелида вафот этди. Бироқ у йиққан дурдона маълумотлар Совет ҳокимияти йилларида кенг китобхонга етиб борди. Миклухо-Маклай асарларининг биринчи томи 1923 йили, қолганлари сўнгги йилларда нашр этилиб, совет китобхонларига тақдим қилинди.

Бор-йўғи 42 йил умр кўрганлигига қарамай баракали ижод қилган, дунёнинг одам оёғи тегмаган гўшаларини кезган олимнинг жасорати — фанга фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

### Аждодлар дастхати

Қишилиқ тарихининг илк даврларига оид ноёб тарихий ёдгорликлардан бири Навоий областидаги Сармиш петроглифлари, яъни тошга зарбланган ибтидоий расмлардир. Бу археологик ёдгорликлар аждодлар яратган мўъжиза ҳисобланиб, Ўрта Осиё халқларининг узоқ ўтмишини, уларнинг хўжалиги ва маданиятини, диний эътиқодини, қўшни қабилалар билан бўлган иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрганишда бебаҳо хазинадир. Ниҳоят, бу қоялардаги тош солномалар инсоният яратган буюк мўъжиза — ёзув тарихига асос қўйган ноёб саҳифалардан биридир.

Бир кўз олдингизга келтиринг-а, Сармишдаги икки километр келадиган сланецлар сатҳида уч ярим мингга яқин расмлар мавжуд. Ҳар бир сланец тахтаси сатҳида жажжигина нодир бир асар акс этган, баъзиларида эса бир йўла бир неча, ҳатто ўнлаб расмларни кўрасиз. Бу тасвирлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти илмий ходимлари томонидан чуқур ўрганилиб, уларни атрофлича тадқиқ этишга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумотларга қараганда, ўша машҳур Сармишдан ўн километр беригаги Учтут қишлоғи атрофида ибтидоий одамларнинг тош қуроллар тайёрлайдиган ўзига хос устахонаси топилган. Бу устахонани археолог олимлар 1958 йилда ўрганишга киришишган. Тадқиқот натижалари эълон қилинган.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ўзининг тошга чизилган тасвирилар галереяси ҳамда дунёга кўз-кўз қилишга арзигулик ёдгорликлари билан машҳурдир. Қоя тошларга зарб билан туширилган, ўйиб солинган, тарашланиб ишланган тасвирий расмлар ва турли-туман белгилар ҳозирги вақтгача авлод-аждодлардан қолган ажойиб тасвирий санъат дурдоналари, қолаверса, дастлабки руник ёзувларимизнинг пайдо бўлишида асос вазифасини ўтаган. Дастлабки ёзувлар пайдо бўлгунга қадар тошларга чизилган турли-туман суратлар ибтидоий одамларнинг фикрларини, ҳис-ҳаяжонларини англаган.

Дунёнинг бошқа ерларида ҳам қоя тошга ўйиб солинган тасвирилар топилган. Масалан, Норберт Кастере деган ғоршунос 1923 йили Францияда Монтесан ғорини кашф қилди. У ғор ичидаги кўлнинг нариги қирғоғига сузиб ўтаётиб катта залга дуч келади. Унда айиқ, от, арслон каби ҳайвонларнинг 30 га яқин ҳайкалини, ғорнинг деворига ўйиб солинган 50 та расми топади. Олимларнинг аниқлашларича, бу ғор бундан 20000 йиллар илгари қадимий одамлар томонидан бунёд этилган ибодатхона экан.

Перунинг Наска даштидаги қоя тошларда сақланиб қолган турли шакл ва белгилар ҳақида ҳам кўп ёзилди, мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Ёки Қапса деб аталадиган маданиятни олайлик. Бу маданиятга Ўрта денгиз соҳилларидаги мезолит даврига оид манзилгоҳлар киради. Бу манзилгоҳлар Африка қитъасининг шимолий қисми ва Европанинг жанубий территориясида жойлашган бўлиб, улардаги расмлар сюжети ва услубига кўра алоҳида аҳамият касб этади. Қапса маданияти тасвирилари асосан қора ва қизил бўёқ билан ишланган расмлардан иборат бўлиб, улар ғорлар ичига эмас, балки очиқ қояларга ишланган, расмларнинг ҳажми унча катта эмас. Уларда ов, ҳарбий воқеаларни тасвириловчи кундалик турмуш манзаралари ҳам ўз аксини топган.

Сурхондарё область, Шеробод районидаги Зараутсой ғорининг ичкарасидан қадимги расмлар тасвири туширилган айвон топилган. Расмлардан бир қисми

яхши сақланган бўлиб, улар орасида икки хил манзарали тасвирлар ажралиб туради. Бирида устига ёпинғич ташлаган одам сурати бўлиб, ёпинғич остидан унинг фақат ингичка оёқларигина чиқиб турибди. Одамларнинг бўйни, оёқ, қўл ва бошлари оддий чизиқлар билан чизилган. Зараутсой ғорининг деворларидаги расмларнинг энг қадимийси мезолит даврига оиддир, яъни милоддан олдинги 8000 йилларга тўғри келади, кейинроқ ишланган расмлар эса бронза даврига мансуб.

Булар шундан далолат берадики, қадим замондаги ибтидоий одамлар ҳаёт кечириш учун ўзларини ўраб олган муҳит ва унинг табиий кучларига қарши курашиш билан бир вақтда, бу муҳитни билиш ва тушунишга интилганлар, моддий дунё тўғрисидаги тасаввурларни бирон-бир восита орқали ғор деворларига, ов қиладиган сойлар ва даралардаги қоя тошларга табиий бўёқлар билан чизганлар ёки учи ўткир қиррали қурооллар билан ўйиб солганлар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тарихи ва ўлка табиатини ўрганган Н. И. Веселовский, В. В. Бартольд, М. С. Андреев, В. И. Масальский каби олимларнинг асарларида ҳам бу мавзуга оид қизиқарли маълумотлар мавжуд. Бизнинг давримизда эса таниқли олимларимиз СССР ФА мухбир аъзоси С. П. Толстов, Туркменистон ССР ФА академиги М. Е. Массон ва ЎзССР ФА академиги Я. Ф. Ғуломов раҳбарлигида олиб борилган экспедициялар вақтида тошга битилган кўп-лаб тасвирлар топилди ва улар ҳар томонлама ўрганилди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, қоя тошларга чизилган расмлар ҳақида чўпонлар, ташаббускор ўлкашунослар олимларга хабар берганлар. Масалан, Моргузар тоғларида қандайдир «ғалати» суратлар солинган тошлар борлигини Жиззах шаҳрида истиқомат қилган Соёиб бобо экспедиция аъзоларига хабар қилган эди. Бошқа бир мисол. Бир гуруҳ мактаб ўқувчилари Чирчиқ дарёсининг ён бағрида қадим замонда тошларга чизиб қолдирилган ҳўкиз, кийик ва тоғ эчкисининг расмларини топишган.

Сармиш дарёсидаги бебаҳо петроглифларнинг кашф этилиши ҳам шу тариқа юз берган. Экскурсияга келган ўқувчилардан бири дафъатан тош юзасидаги кўп оёқли одам тасвирини кўриб қолади ва бу ҳақда археологларга хабар беради.

«Така тош»даги суратлар қўнғир рангли гранит ва





кул рангли базальт тошларнинг силлиқ юзига ўйиб чизилган. Минг йиллар давомида қуёш нурининг кучли таъсирида қорайиб, униқиб кетган катта-катта харсангларнинг силлиқ юзасида уларнинг баъзилари тўқ сариқ-қизғиш, баъзилари тўқ қўнғир ва ҳатто қорамтироқ бўлиб кўринади.

Одам ва ҳайвонларнинг турли ҳолатлари тасвирланган бу расмлар орасида кишиларнинг тоғ эчкилари ва архарларни ов қилиб турганини акс эттирувчи расм алоҳида ажралиб туради. Чамаси, ибтидоий одамлар айрим ҳайвонларни муқаддас билиб, бу ҳайвонларда қандайдир илоҳий куч бор, деб ўйлаганлар. Уларнинг назарида ҳар бир уруғ ёки қабилага асос солган махсус ҳайвон — уруғ жамоалари сиғинадиган тотем бўлган.

Хуллас аجدодларимиз томонидан ғор деворлари, қоя ва тошларга ўйиб ишланган ноёб тасвирларни асраб-авайлашимиз даркор. Бу борада Ўзбекистон ССР Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси билан ҳамкорликда жиддий тадбирларни белгилаши ва уларни амалга ошириши зарур.

Шунингдек, аجدодларимиз томонидан қояларга туширилган хилма-хил тасвирларнинг бениҳоя катта илмий, маърифий аҳамиятини инобатга олиб, республика мактаб ўқувчилари орасида тарих, география, табиатшунослик дарсларида, ўлкашунослик тўғарақларида улар ҳақида мунтазам эслатиб борилса, республика туризм бошқармаси турли областларда сақланаётган қоя тошдаги расмларнинг рангли фотосуратларини кичик альбомларда таърифи билан нашр эттирса, Озарбайжонда ташкил этилган Қўбистон тарихий бадиий қўриқхонага ўхшаш Сармиш ва Зараутсойдаги ноёб, бетакрор ёдгорликларни қўриқхонага айлантирилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шундагина аجدодларимиз заковатининг меваси бўлмиш бу нодир санъат асарларини келажак авлодлар учун сақлаб қолиш мумкин бўлади.

### Тақиқ ҳақида тадқиқ

1874 йилнинг июль ойида фойтунда кетаётган Қамбоджа қироли баногоҳ қулаб тушади. Ҳушсиз ётган қиролни ердан кўтариб олишга аъёнлардан ҳеч бири ботинолмайди. Лекин шу воқеа устига келиб қолган

европалик бир ажнабий қобирғаси синган ҳукмдорни ердан кўтариб, фойтунга авайлаб ўтқзади-да, саройга элтади. Саройда табиблар ҳам унга яқинлашишмайди. Чунки ҳукмдорнинг «муборак» танасига бирон темир парчаси ёки буюм теккизиш ман этилганди.

Қадим замонда бир император лабига чиққан йирингли ярадан азоб чеккан. Лекин унга наштар уришга табибнинг ҳадди сиғмаган. Шунда табиб бир ҳийла ишлатишга мажбур бўлган, у машҳур бир қизиқчини чақиртириб келиб, унга нима қилиб бўлса ҳам ҳукмдорни кулдиришни буюрган. Натижада, қаҳқаҳадан ўзини тутолмаган ҳукмдорнинг лаби таранглашиб, яра ёрилиб кетган, ҳукмдор эса азобдан қутулган.

Хўш, бу ҳодисаларни қандай изоҳлаш мумкин? Ибтидоий одамлар орасида тақиқ маъносини ифодаловчи «табу» деган қатъий бир қоида ҳукмрон эди. Унга мувофиқ руҳ ва худоларга дахлдор барча муқаддас нарсалар ҳамда йўлбошчи ва қоҳинларга тегишли барча буюмлар, ҳатто уларнинг бадани ҳам оддий одамлар учун тақиқ, яъни қатағон ҳисобланган. Тақиқни бузган кишилар илоҳий кучлар ғазабига дучор бўлиб қаттиқ жазога маҳкум этилган.

Ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтилгач, жамоа йўлбошчилари ва қоҳинлар ўз ҳукмронликларини мустақкамлаш йўлида табу одатидан фойдаланганлар.

Табу исломда ҳам, христиан ва яҳудийлар динида ҳам сақланиб қолган. Мана, ўтмишнинг ана шу ғалати одатига бир неча мисол.

Қадимги Юнонистонда муқаддас жойларга темир буюм билан кириш ман этилган. Ҳатто Римдаги Тибр дарёси устига қурилган қадимги ёғоч кўприк ҳам бирон-бир темир буюм ишлатилмай бино қилинган.

Темир буюмларга шундай хурофот ва ирим билан қараш кишилик жамияти тарихининг энг қадимги даврларига бориб тақаладики, у вақтларда темир янги кашфиёт бўлиб, одамлар унга шубҳа билан қарашган. Умуман, ибтидоий одам учун янгилик даҳшат ва қўрқинч манбаи бўлиб туюлган. Чунончи, Индонезиянинг Борнео оролига бориб турғун бўлиб қолган дастлабки кишилардан бирининг айтишича, хоҳ яхши, хоҳ ёмон воқеа-ҳодисаларнинг барчаси мамлакатда юз бераётган қандайдир янгилик оқибатидир.

1886—1887 йилларнинг қиш фаслида инглизлар Ҳиндистон яқинидаги Никобар оролларида турли асбоб-ускуналар билан ер ўлчаш ишлари олиб боришган.

Орадан кўп ўтмай, қаттиқ жала ёғган. Бундан қўрқувга тушган маҳаллий аҳоли, бу табиий офатни инглизлар муқаддас ерда ишлатган темир ўлчов асбобларидан газабга келган руҳларнинг жазоси, деб тушунишган.

XVII асрда Польшада темир тишли омовлар ишлатилиши билан қатор ҳосилсиз йиллар бошланган. Деҳқонлар бу бахтсизлик сабабини ҳам темир тишлардан кўришган. Шундан кейин темир тишлар яна ёғоч тишлар билан алмаштирилган. Ҳозир ҳам шу асосда баъзи элатлар деҳқончиликда темир қурол ишлатишмайди.

Ҳукмдор ва коҳинларнинг темирни хуш кўрмасликлари, сирасини айтганда, ёввойи одамнинг янгиликка душманлик билан қарашини эслатади.

Тинч океanning жанубий қисмидаги Нанумеа оролида янги келган европалик ёки бошқа ороллардан келган кишилар билан маҳаллий аҳолининг бевосита суҳбатлашиши ман этилган. Суҳбатдан аввал меҳмон оролдаги 4 та ибодатхонада ибодат қилиб, Нанумеа аҳолисining тинчлиги, саломатлигини тилаб, худога илтижо қилиши шарт бўлган. Сўнг худо шарафига ашула айтиб, рақс тушиб, қурбонлик қилган. Бу барча маросимлар адо этилгунга қадар, орол аҳолиси, кохин ва унинг ёрдамчиларидан ташқари ўзларини узоқроқ, даҳлсиз тутиб, четланиб турганлар.

Борнео оролида яшовчи бир қабиланинг одатига кўра, бу ерга келувчи бегоналардан қабила аҳолисига маълум миқдорда пул тўлаш талаб этилган. Оролнинг бошқа бир районида истиқомат қилувчи кишилар аёллари ва болаларининг европаликларга яқинлашишларини ман этишган.

Француз сайёҳи Крево Жиль Никола (1847—1882) Жанубий Америкага саёҳат қилганида, апала индеецлари қишлоғига боради. Шунда улар унга пальма баргида бир қанча катта қора чумолилар келтиришади. Сўнг унинг ёнига ҳар хил ёш ва жинсдаги бир қанча кишилар кела бошлайди. Сайёҳ чумолиларни уларнинг бетига, сонига ва танасининг бошқа қисмларига қўйиб юбориши керак эди. Агар сайёҳ чумолиларни камроқ қўйса, индеецлар бақириб: «Яна!» «Яна!» деб қичқирар, токи таналарида майда-майда қип-қизил шишлар пайдо бўлмагунча қониқмасдилар.

Кўпгина халқлар одам бошининг муқаддас қисми деб билганлар. Бу эътиқод организмнинг бошқа қисмларига нисбатан бошқа ҳушёр ва таъсирчан руҳлар яшайди, деган тасаввур билан боғлиқ. Сиёмлик-

лар тасаввурида одам боши Квун деган руҳнинг манзилгоҳи ҳисобланган, у кишини турли бало ва қазолардан сақлаган. Шунга мувофиқ Квунни иложи бори-ча нохушликлардан сақлаш даркор. Агар бошга бегона одам қўли тегадиган бўлса, руҳ ўзини маънан таҳқирланган ҳисоблайди.

Кампучияликларда бошга бегона қўлнинг тегиб кетиши оғир ҳақорат ҳисобланган. Бир сайёҳнинг шоҳидлик беришича, Индонезиянинг Ява оролида бошда бирор нарса кўтариб юриш ман этилган. Шунингдек, бу ерда, бир-биримизнинг бошимизда юрмайлик, деган мулоҳаза билан кўп қаватли уй қурилмайди.

Маркиз оролида қабила бошлиқларининг бошига ёки бош кийимига сал қўл теккизиш азму гуноҳ ҳисобланган. Аёлларнинг бошига, ҳатто сочига қўл теккизиш ман этилган. Таити оролида ҳукмдорнинг ёки хотинининг бошидан қўлини юқори тутган одам ўлим жазосига ҳукм этилган.

Илгари замонларда кўпгина халқларда кийимда бирон-бир тугун бўлиши ёки узук тақиш тақиқланган. Ҳозирда ҳам Маккага ҳажга борадиган одамларнинг қўлида узук ва эғнида бирон-бир тугун бўлиши ман этилади. Кийимдаги тугунлар, хусусан никоҳ ва дафн маросимларида зарар келтирувчи нарса ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Трансильванияда яшовчи айрим элатларда бўшанаётган аёлнинг кийимидаги барча тугунларни ечиб қўйиш одати борки, уларнинг тасаввурида бу нарса бола туғилишини осонлаштиради.

Жануби-шарқий Осиё халқларида бу тақиққа аёл ҳомиладор бўлиши биланоқ амал қилинади. Оғироёқ аёл, агар тугун боғласа, тўқиса, сочларини лента билан боғласа, ўзига-ўзи туғилажак болани қаттиқ боғлаб қўйиши ва туғилишини оғирлаштириши мумкин, деб ҳисобланган. Бундай тақиқ онагагина эмас, балки бўлажак отага ҳам қўлланган.

Ҳиндистондаги Читтагон аёлларининг кўз ёриши қийинлашса, доя барча эшик ва деразаларни, шиша идиш ва бочка тиқинларини очиб, бойлоқдаги сигир, от, қўй ва итларни ечиб, товуқ ва ўрдакларни қафасдан чиқариб юборишни буюради. Тумбулу қабиласида ҳомиладор аёлнинг эри тугун боғламаслик у ёқда турсин, ҳатто оёқларини чалиштириб ўтириши ҳам мумкин эмас.

Қадимги римликларда ҳарбий кенгаш, ҳукумат мажлисларида, қурбонлик қилаётган вақтда ва бошқа шу каби маросимларда оёқ-қўлларни чалиштириб ўтириш

ман этилган. Ҳалқа, узук-балдоқларнинг сеҳрли ирими Урта денгиздаги Қарнатос оролида яшаган маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Чунончи, улар ҳатто мурда кийимидаги тугмаларни тақишмаган, қўлидаги узукни ечиб олишган. Ороликларнинг тасаввурида, гўёки танадан чиқаётган жон узукда ушланиб қолиб, оёйишталикни бузиши мумкин эмиш. Қадимги юнонларда узук тақиш умуман ман этилгани, эҳтимол, шу тасаввур билан боғлиқдир. Шунингдек юнонларда ибодатхонага узук билан кириш ҳам ман этилган.

Ибтидоий одам бирор буюм билан унинг номини бир бутун нарса деб тушунган, шунга ўхшаш шахс билан унинг номи ўртасида тафовут йўқ деб билган. Ибтидоий одам тасаввурида, исм орқали одамга худди сочи, тирноғи каби сеҳрли таъсир кўрсатиш мумкин. У исмини ўзининг ажралмас муҳим қисми деб ҳисоблаб, уни эҳтиётлаган.

Шимолий Америка индеевлари, масалан, ўз исmlарини кўз ёки тиш каби таналарнинг мустақил бўлаги деб билишган.

Атлантика океанидан то Тинч океангача бўлган ерларда яшайдиган жуда кўп қабилаларда ҳам шу эътиқод бор. Индонезияда яшовчи толампу қабиласи тушунчасида бировнинг исмини ёзиб олган шахс исмга қўшиб унинг руҳини ҳам олиб кетади.

Ҳозирги вақтда ҳам ибтидоийликнинг кўпгина жиҳатларини сақлаб келаётган айрим элатлар ёвуз ниятли одамлардан сақланиш мақсадида ўз исmlарини пинҳон туттишади.

Марказий Австралиядаги баъзи қабилаларда одамларнинг исми иккита бўлади: бири ҳар куни айтиладиган кундалик оддий исм бўлса, иккинчиси муқаддас исмдирки, уни фақат жамоа оқсоқоллари қўяди. Бундай муқаддас исmlар фақат тантанали маросимлардагина тилга олинади. Уларнинг тасаввурида бу яширин исми бегона қабила кишилари билиб қолишса, исм эгасига зиён-заҳмат етиши мумкин эмиш.

Исmlарни бегона кишилар билиб қолишидан қўрқиш қадимги мисрликларда қўш исмлилик одатини келтириб чиқарган. Ҳар бир киши икки исмга: ҳақиқий ва яхши ёки катта ва кичик исмга эга бўлган. Кичик исм ҳаммага аён бўлса, ҳақиқий исм сир сақланган.

Индонезиянинг Ниас оролида яшовчи маҳаллий аҳоли одамнинг ҳақиқий исмини эшитиб қолган шайтон унга зиён етказиши мумкин, деб ишонади. Шунинг учун ҳам улар чақалоқ исмини сира тилга олишмайди,

чунки ёвуз руҳлар, айниқса мурғакларга кўпроқ зиён келтирармиш.

Қадимги халқлар орасида кенг тарқалган табу, яъни қатағон одати бадий адабиётда ҳам ўз аксини топган. Қуйида машҳур ёзувчи Жюль Вернинг «Капитан Грант болалари» номли романидан бир парча келтирамиз.

...Капитан Грантни излаб дунё сафарига чиққан Лорд Гленарван бошчилигидаги бир гуруҳ сайёҳлар Янги Зеландия оролида тубжой қабила — маорилар қўлига тушиб қоладилар. Қабила бошлиғи Қара-Тете Гленарваннинг хотинини ўзига олмоқчи бўлганда, Гленарван уни отиб ўлдиради. Ерликлар шу заҳоти сайёҳларга ташланиб, уларни тилка-пора қилишга шайланганларида, иккинчи бир қабила бошлиғи Қай-Куму: «Табу!» деб қичқиради. Шу лаҳзадаёқ ёввойилар таққа тўхташади, энди сайёҳларга қўл теккизиб бўлмасди. Сайёҳларни манзилгоҳ четидаги бир кулбага қамаб, эрта билан қатл этмоқчи бўлишади. Бироқ сайёҳлар тонг саҳарда кулбанинг орқа деворини тешиб, тоққа қочишга улгуришади. Аммо ёввойилар уларни кўриб қолиб, қувишга тушадилар...

...Қочқинлар чўққига чиқиб олганларида ерликлар улардан беш юз футча берида эдилар.

Гленарван фурсатни бой бермасликни тушунарди. Ҳар қанча чарчаган бўлсалар ҳам қувиб келаётганларнинг қўлига тушиб қолмаслик учун қочиш зарур эди.

— Пастга тушамиз,— деди у.— Йўлни кесиб қўймасликларидан олдин пастга тушиб олиш керак.

Бечора аёллар зўрға ўринларидан турдилар. Мак-Наббс уларни тўхтатди.

— Тушмаса ҳам бўлади, Гленарван,— деди у.— Қаранг, ростдан ҳам ерликлар тарафида аллақандай ўзгариш юз берганга ўхшайди. Тоққа чиқишни аллаким бирдан ман қилиб қўйгандек улар таққа тўхтаб қолдилар...

Қочқинларнинг қонига ташна бўлган ёввойилар тоғ этагида туриб бўкиришар, дўқ қилишар, милтиқ ва болталарини силкитишар эди-ю, аммо бир қадам ҳам олға босишмасди. Эгалари сингари итлари ҳам қутуриб вовиллар эди.

Нима гап ўзи? Ёввойиларни қандай қудратли куч тўхтатиб қўйди экан? Қочқинлар ҳеч нарсага тушунмай пастга тикилишар, Қан-Кумунинг қабиласи бирдан ўзини тутиб турган сеҳрдан халос бўлиб, юқоридан отишмаса эди, деб қўрқишарди.

Бирдан Жон Манглис қичқириб юборганди, ўртоқлари унга қайрилиб қарашди. У қўли билан чўққи тепасидаги кичкинагина бир қўрғонни кўрсатди.

— И-е, бу Кара-Тетенинг қабри-ку!— деб юборди Роберт.

— Ростданми, Роберт?!— деб сўради Гленарван.

— Ҳа, сэр бу ростдан ҳам унинг қабри, мени уни танияпман...

Бола янглишмаган эди. Улардан эллик футча юқорида, чўққининг учида янги бўялган тўсиқ кўриниб турарди. Энди янги зеландияликлар бошлиғининг қабрини Гленарван ҳам таниб қолди. Бахтли тасодиф қочқинларни Маунганаму чўққисига олиб келган эди.

Гленарван билан ҳамроҳлари бошлиқнинг қабрига чиқдилар. Атрофи ўраб қўйилган қабрга кириладиган кенг йўлга бўйра тўсиб қўйилган эди. Гленарван ичкари кирмоқчи бўлди-ю, лекин дарров орқасига қайтди.

— Ичкарида бир ёввойи ўтирибди,— деди у.

— Қабр ёнида-я!— деб сўради майор.

— Ҳа, Мак-Наббс.

— Ўтирган бўлса, нима! Юринглар кирамиз.

Гленарван, майор Роберт ва Жон Манглис ичкарига кирдилар. Ҳақиқатдан ҳам ичкарида формиумдан тўқилган узун плашч кийган бир маори ўтирарди. Тўсиқ соясида ўтиргани учун унинг бетини кўриб бўлмасди. У баҳузур овқат емоқда эди.

Гленарван гаплашмоқчи бўлган эди, у соф инглиз тилида:

— Ўтиринг, азиз сэр! Овқат тайёр,— деди.

— Бу Паганель эди. Ҳаммалари унинг овозини таниб, муҳтарам олимга ташландилар ва қучоқлашиб кўриша кетдилар. Паганель топилди! Қочқинлар унинг топилишини ўзларининг қутулишларига гаров деб билар эдилар. Ҳар ким ҳам тезроқ ундан ҳол сўрагиси, унинг Маунганаму чўққисига қандай қилиб келиб қолганини билгиси келарди, лекин Гленарван бу бевақт синчковликка бир оғиз сўз билан барҳам берди.

— Ёввойилар!— деди у.

— Ёввойилар дейсизми!— деди Паганель елкасини қисиб.— Уша ёввойиларингизни мен заррача писанд қилмайман.

— Ахир, улар...

— Улар-а? Уша бефаҳмлар-а? Юринглар, уларни бир кўринглар.

Ҳамма Паганелга эргашди. Янги зеландияликлар ҳали ҳам айюҳаннос кўтариб, тоғ этагида туришарди.

— Бақираверинглар? Додлайверинглар? Томоғингизни йиртаверинглар!— деди Паганель.— Қани, бу чўққига чиқиб кўринглар-чи!

— Нега чиқолмас эканлар энди!— деб сўради Гленарван.

— Чунки бу чўққига уларнинг бошлиғи кўмилган, шунинг учун бу тоққа табу жорий қилинган.

— Табу!

— Ҳа, дўстларим! Мен ҳам ана шунинг учун бу ерга чиқиб олдим, ўрта асрларда кўпгина бечоралар ана шундай жойларда жон асраганлар.

Ҳақиқатдан ҳам тоққа табу жорий этилган эди, шунинг учун хурофотчи ёввойилар бу ерга чиқолмасдилар..»

### Осмондан тушган элат

Ҳозир шундай элатлар борки, уларнинг дастлаб қардан келганини ҳеч ким аниқ билмайди. Шулардан бири айнилардир. Япониянинг шимолий оролларида бирида яшовчи бу элат кишиларининг кўзи қисик эмас, сочлари жингалак, терисининг ранги тиниқ. Ана шу белгиларига кўра уларни Кавказдан чиққан дейиш мумкин. Бир вақтлар баъзи антропологлар уларни Сибирь орқали шимоли ғарб томондан Японияга келиб қолган бўлишса керак, деб таҳмин қилганлар. Шунингдек уларнинг келиб чиқишини Австралия билан боғловчилар ҳам бўлган. Нақл қилишларича, айнилар элати махлуқлар авлоди эмиш. Ҳозир уларнинг сони 15 мингдан зиёд.

Айнилар XVII асрнинг бошида Япониянинг бошқа оролларида яшовчи аҳоли билан қизғин савдо-сотиқ қилганлар. Қимматли мўйналарини уст-бош, кийим-кечакларга айирбошлаганлар. Лекин бора-бора япон феодаллари айниларни ўзларига қарам қилиб оладилар. Япон ҳукумати орадан икки аср ўтгач айнилар яшайдиган Хоккайдо ороли устидан ўз ҳокимиятини ўрнатади ва оролнинг туб аҳолисини муҳофаза қилиш ҳақида қонун чиқаради. Шундан кейин айниларга ер ва қишлоқ хўжалик асбоблари берилади, улар деҳқончилик қиладиган бўлишади.

Маҳаллий аҳоли яшаган қишлоқларнинг аксарияти бир вақтлар шундоққина денгиз соҳилларида жойлашган эди. Эндиликда улар ўрнида йирик-йирик шаҳарлар қад кўтарган бўлиб, айниларнинг кўпчилиги ана шу шаҳарларда ишлашади. Лекин ҳозир ҳам фақат



қишлоқ хўжалиги ва 'балиқ ови билан машғул бўлган айнилар талайгина.

Бу элат ашаддий диндор. Айнилар марҳамат ва шафқат сўраб ёки бало-қазоларни даф этсин учун ўз худоларига сиғинишади. Уларнинг эътиқодича, оловда ҳам, тоғларда ҳам, дарахтларда ҳам, ҳайвонларда ҳам руҳ бор.

Айнилар жуда болажон элат. Улар ўғил болаларнинг эпчил, бақувват ва зийрак бўлиб ўсишига катта эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам уч ёшга тўлган кунидан бошлабоқ ҳар бир ўғил бола қўлига камонча ва найза ушлаши керак. Овга кетаётганида ота албатта ўғлини ўзи билан бирга олиб боради. Кекса айнилар болани ёмон одам ўпишидан сақлайдилар, чунки уларнинг эътиқодича, одамнинг ёмонлиги бамисоли касаллик сингари болага ҳам юқиши мумкин. Оналар қизларига яхши тарбия беришга ҳаракат қилиб, уларни тикиш-чатишга, тўқувчиликка, турли таом тайёрлашга ўргатишади.

Кўпинча айнилар оқшом чоғи йиғилишиб, узоқ ажодлари ҳақида суҳбатлашишни яхши кўришади. Улар ҳануз ўз ажодларини осмондан тушган, деб билишади. Сару водийсидаги адирда аллақандай бир ёдгорлик бор. Ривоятларга қараганда, осмондан тушган дастлабки айнилар ана шу жойга қўнган эмиш.

Муҳтарам китобхон, улкан одамлар ҳақида эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз қулоқ беринг. Европаликлар Жанубий Америкадаги инклар давлатини истило этгандан кейин инк қабиласининг афсоналари тўпланган. Нақл қилишларича, Аятарко Кусо деган киши мамлакатга подшолик қилган замонда инклар ҳузурига океан томондан қамиш солларда қандайдир баҳайбат одамлар келган экан. Уларнинг бўйи шу қадар дароз эканки, ҳатто энг новча индеецлар ҳам уларнинг тиззасидан келаркан. Узун сочлари елкасига тушган, юзлари сип-силлиқ — соқол-мўйловсиз эмиш, кўзлари нақли — қопчадек келармиш. Баъзилари устига ҳайвон териси ташлаб олган, айримлари яланғоч. Уларнинг орасида хотин зоти йўқ экан. Океан соҳили ёқалаб қитъа ичкарасига ўтиб келган бу улкан одамлар инкларнинг бор-йўғини еб-ялаб жўнаркан, чунки уларнинг ҳар бири элик кишининг овқатини еярдан-да.

Сирасини айтганда, баҳайбат паҳлавонлар ҳақидаги афсоналарни жаҳоннинг деярли ҳамма халқларида, барча мамлакатларда, хусусан Юнонистон, Скандина-

вия, Ўрта Осиё, Кампучия ва Индонезияда, Шимолий ва Жанубий Америкада учратиш мумкин. Қадимий маданий марказлардан бўлмиш Бобилда топилган сопол парчаларида қайд этилишича, бу давлатнинг илм аҳли астрономия, коинот тузилиши соҳасидаги барча билимларни аллақандай улкан кишилардан олган экан.

Маълумки, кишиларга билим, ёзув ва маданий ма-лака берган аллақандай ғайритабиий мавжудотлар ҳақидаги кўплаб афсона, ривоятлар бошқа халқларда ҳам учрайди. Одатда, одамлар ўртасида яхшилик уруғини сочувчи бу қаҳрамонлар бўй-баста ҳаддан зиёд баланд, бақувват ва ақлли кишилар тарзида тасвирланади. Масалан, қадимги мисрликлар худоси Сетх ва унинг ўғиллари, арабларнинг Шаддод бин Ади, юнонлар паҳлавони Прометей ва исломдан аввалги ўзбекларнинг сув худоси Хубби шундай сифатларга эга.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, бундай мўъжизавий куч ва ақл соҳиблари албатта бирор табиий офатдан кейин бирдан пайдо бўлиб қолади. Одамлар бундай важоҳатли кишиларни илгари ҳам билишган, лекин ўзларини улардан четроқ олиб юришган эмиш. Баҳайбат одамлар қавмининг аксарияти жаҳон тўфониди ҳалок бўлган, тирик қолганлари эса ўз билимларини одамларга ўргатишган эмиш. Тўғри, булар ҳаммаси афсона саналади, лекин наҳотки уларнинг бирон асоси бўлмаса?

Бизнингча, бу афсоналарнинг ҳаммаси бошдан-оёқ ғирт чўпчак эмас. Ҳар ҳолда улар тарихий манбалар, ишонса бўладиганлари ҳам анча-мунча.

Қадимги машҳур тарихчи Геродот бир юнон темирчисининг ғалати топилмаси тўғрисида ҳикоя қилади. Унинг ёзишича, темирчи қудуқ қазиниб одам скелетига дуч келган. Скелетни ўлчаб, темирчи ҳайратда қолган: баҳайбат одамнинг бўйи икки ярим метр бўлган экан.

Қадимги Рим тарихчиси Иосиф Флавийнинг маълумотига кўра, милoddан олдинги XIII асрда, Жошуа подшолиги даврида ҳам улкан кишилар яшаган экан. Бу ҳақда Флавий шундай шоҳидлик беради: «Гавдалари ниҳоятда катта, бетлари ҳам одамникига ўхшамайдди. Уларни кўрган кишининг ўтакаси ёрилади, овозларини эшитган киши ваҳима ичида қолади».

Шунга ўхшаш гаплар Испания тарихига оид солномаларда ҳам учрайди. Янги дунёни забт этган биринчи испан истилочилари майя элатининг ибодатхоналаридан бирида улкан одам скелетини кўриб донг қотиб қолиш-



ган. Бу ғалати топилма ҳатто Рим папасига ҳам олиб бориб кўрсатилган.

Бинобарин қадим замонларда баҳайбат одамлар қавми яшаган ва улар бора-бора номаълум сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган, деб тахмин қилса бўлади. Бу халқнинг сўнгги вакиллари бизгача бўлган энг яқин тарихий даврда яшаган. Турли бало-қазолардан, табиий офатлардан омон қолган айрим улкан одамлар ёки уларнинг гуруҳи ҳақидаги маълумотлар афсона ва ривоятлардан ёки қадимги дунё муаллифларининг асарларидан бизга қадар етиб келган. Баҳайбат одамлардан беш-ўн нафари омон қолган бўлса, улар ҳам ер юзи бўйлаб тарқалиб кетган ёки одам оёғи етмаган узоқ оролларда жон сақлаб қолган. Юнонларнинг афсонавий қахрамони Одиссей бориб қолган Полифем ороли ана шундай одамлар яшайдиган манзил сифатида машҳур.

Антропологларнинг фикрича, ўтмишда улкан одамлар яшаганига ишонса бўлади. Ҳозир бу ғаройиб жонзотнинг мегантроп ва гигантопитек деган икки тури маълум бўлиб, булар ҳам аллақачон йўқ бўлиб кетган. Улар скелетининг бўлаклари Ява оролидан, Жанубий ва Шарқий Африкадан, Монголия, Жанубий Хитой ва Ҳиндистондан топилган.

Хўш, гигантопитек қачон яшаган? Айрим олимларимиз бу улкан одамлар ҳозирги замон одамининг аجدодлари билан бир вақтда яшаган, ҳатто ҳозирги замон одамлари давридаям бўлган, деган фикрни айтишмоқда. Гигантопитеклар бўлганлигини ва кейинчалик қирилиб кетганлигини янгидан-янги археологик топилдиқлар тасдиқламоқда. Мана кейинги янгилıklarдан бири.

1966 йили сентябрь ойида жаҳоннинг кўпгина газеталари Ҳиндистон олимлари гигантопитек суяklarини топганлигини хабар қилди. Ушанда Деҳлидан 73 миля нари, Панжоб штатининг Окха қишлоғида номаълум жониворнинг қолдиқлари топилган эди. Чамалаб кўришса, скелетнинг узунлиги тўрт метрга яқин, кўкрак қафасининг кенлиги эса бир метрдан зиёд экан. Скелет ер тагида қарийб бир миллион йил ётган. Бизнинг кунларда ҳам ер юзининг ҳали одам оёғи етмаган жойларида девқомат мавжудотлар яшашни мумкинми?

XIX асрнинг охирида Осиёдаги Малакка ярим оролига бориб келган кўп этнографлар оролнинг одам оёғи тегмаган узоқ районларида яшайдиган энг қолоқ сеной ва семанг қабилалари орасида, чангалзорлар

ичида аллақандай улкан одамлар қабиласи яшаши ҳақида маълумот берганлар. Уларнинг бўй-басти шу қадар дароз эканки, паст бўйли қўшни қабила кишиларини «одам ўрнида» кўришмас экан. Қунлардан бир куни қўшни қабила кишилари дарозларнинг унутиб қолдирган қуроли — гурзисини ўғирлаб кетмоқчи бўлишадиган, лекин унинг оғирлигидан ҳатто ўрнидан ҳам жилдиришолмайди. Баъзи музейларда «Малакка девларининг манзилидан топилган» деб, улкан ёйларни намойиш қилишмоқда.

Чет эл матбуотида ҳозирги кишиларнинг жуда одамови ва дароз уруғи топилгани ҳақида бир талай янги хабарлар пайдо бўлди. Қанада ва Калифорния индейчалари бадани жун билан қопланган бу мавжудотларга «сасквач» деган ном ҳам қўйишган. Индейчаларнинг гапига қараганда ҳозирги замоннинг бу девлари ниҳоятда бақувват ва бўйи икки ярим метр бўлишига қарамай, ўлгудек қўрқоқ экан, одам яқинлашди дегунча жуфтаси ростлаб қоларкан, олов нималигини билмай, ибтидоий турмуш кечирар экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозир бизнинг «ниҳтиёримиз»да улкан одамлардан биронтаси ҳам йўқлиги уларнинг мавжуд эмаслигини билдирмайди. Бу саволга Ер куррасининг ҳали текширилмаган «оқ доғлари», хусусан чангалзор, тоғ ва ясси тоғликлар батамом ўрганилиб чиқилгандан кейингина узил-кесил жавоб бериш мумкин бўлади.

## Гуллар ва удумлар

Ривоят қилишларича, булбул гулга ошиқ экан. Айниқса унинг барг ёзиб, мушк таратиб очилишини кўришга шайдо экан. Гул субҳидамда — тонг саҳарда очилишини булбул билмас экан. Булбул гулнинг очилишини томоша қилиш учун гул яқинидаги бир сада новдасига қўниб, тун билан мишжа қоқмай чиқаркан. Бироқ айни гул очиладиган пайтга келиб, ухлаб қоларкан. Кўзини очиб қараганда, гулнинг яшнаб-очибли турганини кўраркан. Шунда булбул ғафлатда қолганига минг афсус еб, нола бошларкан. Булбулнинг майин, дилрабо, хазин ва юракларни тўлқинлантириб сайраши шундан эмиш.

Гул ҳаётнинг кўрки, файзи, мушки анбаридир. Гўзал, чиройли қилиб дасталанган гул қайси тош юракни эритмайди, мафтун этмайди, қайси тўкин дастурхонни

безамайди, унинг ранго-ранг мафтункор чиройи қайси дилни қитиқламайди, севинтирмайди.

Жаҳондаги барча халқларда гулнинг ана шу хислатларини тараннум этувчи кўпдан-кўп ривоятлар, афсоналар, эртақлар тўқилган, шоирлар томонидан шеърлар битилган. Диндорлар гулни илоҳийлаштириб, жаннат мўъжизаси дейишган бўлса, ромчилар гулга қараб фол очишган.

Атиргулни гулларнинг маликаси дейишади. Нақл қилишларича, эмишки, атиргул худонинг ўз бандаларига эҳсони экан. Қадимги ҳинд афсоналарида ҳикоя қилишларича, жаҳондаги энг соҳибжамолларнинг соҳибжамоли — маъбуда Лакшми атиргул ғунчасидан пайдо бўлганмиш. Ғунча эса илоҳий мўъжизалар рамзи эмиш. Ҳиндларда олижаноб бир одат бор. Унга кўра мўътабар кишилар, азиз меҳмонлар бўйинларига анвойи гуллардан ясалган гулчамбарлар тақадилар. Эронда ҳам атиргул ишқибозлари жуда кўп. Шаҳар майдонлари, хиёбонлар анвойи нав гуллар билан қопланганидан бу мамлакатдаги кўпгина жойларнинг номи «Гулистон»-дир.

Қадимда юнонлар ҳам атиргулга ўхшаш гулларни ниҳоятда севишган. Улар гулларни Олимпия худоларидан бири яратган деб эътиқод қилганлар. Мухорабалардан ғалаба билан қайтган жангчиларни гуллар билан кутиб олганлар, қабр ва мақбараларни гуллар билан безатганлар. Худодар ҳайкалига гул қўйиш маросими катта тантанага айланиб кетган.

Кўкламдаги ёмғирлардан кейин кўкариб очиладиган гулни бундан икки-уч минг йил илгариги юнонлар гиацинт, яъни сунбул деб аташган. Юнонистонда ҳар йили баҳорда 3 кунгача сунбул байрами ўтказиш расм бўлган. Қадимги юнон эртақларида сунбул қайғу-хасрат гули деб талқин қилинган. Бунинг сабаби шундай экан: сунбул ўша вақтларда ўтказилган спорт мусобақаларидан бирида ҳалок бўлган Гиацинт исмли бир йигитнинг қонидан униб чиққани учун унинг номи ҳам «гиацинт» аталиб келган эмиш.

Гулга сифиниш одатини юнон мустамлакачилари Римга ҳам олиб келган. Рим республикаси даврида гул юксак ахлоқ рамзи ҳисобланган, кейинчалик эса зебзийнат ҳашамасига айланиб қолган. Император ва зодагонлар гулчамбарларга ўралиб юришган, гул сувига чўмилишган. Африкадан келтириладиган гуллар камлик қилганидан, Италиядаги барча буғдойзорлар ўрнига гул экиб, мамлакатни буғдойсиз қолдиришган. Маш-



хур бир итальян танқидчиси ниҳоятда ташвишланганидан «...мисрликлар бизларга буғдой юборинглар, бизлар бунинг эвазига гул юборамиз», деган истеҳзоли ибора билан ўз ғазабини изҳор қилган эди.

Наврўзгул ҳақида ҳам кўп афсоналар тўқилган. Уша вақтларда наврўзгулни шифобахш, жаннат гули деб билиб, унга эътиқод қилишарди. Қадимги юнонлар наврўзгулни ўн икки худо гули, у ҳамма касалликларга даво деб билишган. Шимолий Италияда яшаган гал қабиласи кишилари ҳали ҳам наврўзгулнинг шифобахшлигига ишонадилар. Қоҳинлар эса ундан муқаддас сув тайёрлаб, пуллаганлар. Баъзи кишилар наврўзгулда хазина ва тилсимларни очадиган ҳамда сеҳр ва жодуларни бекор қиладиган яширин куч бор деб астойдил ишонганлар.

Японлар олтин гул — хризантемани ниҳоятда қадрлайдилар. Япония давлат эмблемаси, ҳарбий байроғи ва ҳатто пулига ҳам хризантема тасвири туширилган. Япония олий ордени ҳам «Хризантема ордени» деб номланган. Бу гул Японияда қуёш рамзидир. Японларнинг инobatли байрамларидан бири шу гулга бағишланган «хризантема байрами»дир. Бу байрамни нишонлаш Японияда жуда қадим замонлардан расм бўлган. Байрам муносабати билан уйлар ва кўчаларни гуллар билан безайдилар, гулларга буркаб безатилган қайиқларда сайр қиладилар, ашулалар айтадилар, қоғоз ленталарга тушь билан ёзилган шеърлар ўқийдилар, кейин ленталарни дарахтларга илиб қўядилар.

Гулга бағишланган ана шу хил сайиллар бошқа халқларда ҳам ўзига хос шукуҳ, тантана, хушчақчақлик, нафосат руҳида ўтади. Масалан, руминларнинг ота-боболари илк баҳорда кийим-бошларини ясама гуллар билан безатиб, сайил ўтказганлар. Бу расм руминларда ҳозирда ҳам сақланган. Румин қизлари, ёш аёллари кўйлақларининг кўкраги ва этакларига гуллар тикадилар. Руминларнинг ана шу расм-русми тўғрисида эртак ҳам тўқилган. Унинг мазмуни шундай: баҳор ойи — март келган бўлса-да, қаҳратон қиш ҳеч силжмайди. Муз ва қорни ёриб чиқиш учун гунафшада мажол йўқ. Ҳамма интизор, гунафшани зориқиб кутади. Лекин гунафша совуқдан қўрқиб ер бағрида жон сақлаб ётибди, ер эса кўксиде ўсган гуллар, лолалар, хушбўй гиёҳлар билан баҳорни қаршилай олмайди. Қишдан ранжиган гунафша бу диёрга назар ташлай олмайди, эвоҳ ҳамон қиш...

Яхшиямки подачининг қизи Ленуца бор экан. У



одамлар жонига ора киради, турли рангларга бўялган иплардан ҳар хил гуллар тўқиб, пўстинига қадаб, шу ясама гуллар билан безанади. Буни кўрган йигит-қизлар ва кексалар ҳам ўз эгниларига Ленуцага ўхшаб ясама гуллар тақиб оладилар. Буларни узоқдан кўрганлар ҳеч иккиланмай, гуллар очилибди-да, деб ўйлайдилар. Қиш ҳам одамларнинг гулга бурканганини кўриб, ўз ўрнини баҳорга бўшатиб беради. Шу кундан бошлаб ясама гул тақиш румин халқига расм бўлиб кетган экан...

Люксембургликлар бўтакўзни жуда эъзозлайдилар. Шаҳар ташқарисида зилол сувли тезоқар анҳор бор. У бир неча асрдан бери яшаб келаётган кекса бир қайин дарахти остидан қайнаб чиқади. Анҳорнинг номи ҳам узундан-узоқ. Июль-август ойлари анҳор бўйларида оч зангори ранг бўтакўзларнинг айни гуллаган чоғи бўлади. Ана шу кезларда анҳор бўйларига ёшлар келиб кўнгул очадилар, гуллардан чамбар ясаб, ўзларини гулга кўмадилар, сувда чўмилишиб, кейин атрофида рақсга тушадилар.

Парижликлар эса марварид гулни (ландиш) бениҳоя севишади. Май ойининг дастлабки кунлари шаҳарликлар марвариддек хафиф, жозибали марваридгулсиз кўчаларга чиқишмайди. Чунки майнинг бошида парижликлар «марваридгул кунини»ни нишонлайдилар. Ана шу кунларда марваридгулларга бўлган талаб жуда ошиб кетади. Шаҳар ва унинг теварагидаги гулхона ва гулзорлардаги марваридгуллар етишмай қолади. Шунинг учун гулни узоқ-узоқлардан вагонлаб келтирадилар.

Француз қишлоқларида марваридгул кунини байрам қилиш одати ҳамон сақланган. Бу кун ҳар сафар май ойининг биринчи ҳафтасида байрам қилинади. Шанба кунининг ярмидан бошлаб ҳамма — эркагу аёл, ёшу кекса гул сайрига чиқади. Улар териб келинган марваридгул билан уйларини, эшик-деразаларини, дастурхонларини безайдилар. Кечқурун ўйин-кулги, ялла ва рақслар уюштирилади. Рақсга фақат марваридгул воситасида таклиф қилиш мумкин. Марваридгул, одатда, йигитлар билан қизларни қовуштиради. Қизлар марваридгулни кўйлақларига қадаб олсалар, йигитлар эса нимчалари тугмаси ўрнига санчиб қўядилар. Борди-ю йигит қизни рақсга таклиф қилса ва қиз бунга рози бўлса, йигитга ўз гулни тақдим этади. Йигит ҳам, ўз навбатида, қизга гулини инъом қилади. Шу тариқа ошиқ-маъшуқалар муродга етадилар.

Французларда муҳаббат рамзи марваридгул бўлса,

испанлар қизил рангли чиннигулни севги тимсоли деб биладилар. Бир-бирини севган ёш испан йигит-қизларининг юраги чиннигул туфайли бир-бири билан сўзлашади, тўй-томоша кунлари гул воситасида тайинланади.

Болгар атиргули дунёда энг аъло навли гуллардан ҳисобланади. Бу гул VII аср охири ва VIII аср бошларида Яқин Шарқдан келтирилган бўлса керакки, болгарлар уни «Дамашқ келгиндиси» деб айтишади. Кейинчалик у Болқон ярим оролидаги Қазанлик шаҳарчаси номи билан аталиб, шуҳрат қозонган. Бу гул ҳовлиларда, кўча ва майдонларда ўстирилади. Қисқаси, бир қарич ер йўқки, «Қазанлик» гули ўтқазилмаган бўлсин. Чунки бу гул Болгария иқлимига аъло даражада мослашган. «Қазанлик» гули болгар халқи тарихининг беазаги, унинг шарафи бўлиб қолди. Болгария Халқ Республикаси ҳозир юқори сифатли гул мойи ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринда туради.

Мойли гулларнинг барг ва новдалари шифобахшлик хусусиятига эга. Болгар халқи илгари вақтларда турли касалликларни даволашда ундан фойдаланган. Ҳозирги болгар олимлари ҳам мойли гулларни тадқиқ қилиб, улар таркибида турли шифобахш моддалар борлигини аниқладилар.

Болгарияда гулбарг териш май ойининг охирларида бошланади ва у халқ сайилига айланиб кетади. Теримнинг биринчи кунини кўплаб шаҳарликлар қишлоқларга меҳмон бўлиб чиқишади. Теримчилар теримни бошладан олдин гулдасталар тайёрлаб, меҳмонларга тақдим этадилар. Сайил тобора авжига чиқади, ашулачилар, раққосалар, қизиқчилар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Болалар гул терувчиларга бағишлаб тўқилган «Гул теради ёшлар, булбулга йўлдошлар» деган қадимги халқ ашуласини баралла айтадилар. Бу ашула, айниқса, гул терими мавсумида оммавий тус олади.

Ўрта Осиё республикалари, айниқса Ўзбекистонда ҳам гул қадим замонлардан буён ўстирилади, уларнинг мингдан ортиқ тури бор. Илгари вақтларда болалар баҳор элчиси — бойчечак териб, унинг шаънига «бойчечаким бойланди...» деган ашулани айтиб, уйма-уй юриб, баҳор келганидан хабар қилишарди, катталар эса бойчечакни кўзларига суртиб «омонлик, эсонлик» қилишарди. Яқин-яқингача халқимиз орасида «гунафша сайили», «подачи сайили» деган ажойиб расмлар бор эди. Гунафша айни очилган паллада мактаб ўқувчилари ва

катталар далаларга чиқиб, ўйин-кулги қилишарди. Бундай сайилларда кураш дор ўйинлари, қизиқчилар, улоқ ва пойгалар бўларди. Афсуски, ана шу яхши маросим ва одатларимиз йўқолиб бормоқда. Лекин шуни айтиш керакки, кейинги вақтларда гул билан боғлиқ бошқа бир маросим пайдо бўлди. Республикамизда «Гул байрами» ўтказиш одат тусига кирди. Бу байрам ҳар йили август ойида маданият ва истироҳат боғларида ўтказилади. Уша кунларда гул кўргазмалари ташкил этилиб, республикамиз гулхоналарида анвойи гуллар намойиш қилинади. Гул навларига ва энг яхши гулдасталарга мукофотлар берилади. Кейин бу байрамнинг охири халқ сайлига уланиб кетади.

### Алвасти: афсона ва ҳақиқат

— Ана, ажина келяпти!

Болаликда шундай деб ўртоғингизни чўчитмаганмисиз? Катталар ажина, алвасти ҳақида чўпчак айтишганда қоронғи ҳовлига юрак ютиб чиқолганмисиз?

Юзингизга табассум югурди-я. Хаёлингиздагини тушуниб турибмиз. «Болалик экан-да», деяпсиз. Лекин беихтиёр айтган луқмангиз замирида катта ҳақиқат бор. Гап шундаки, ажина, алвасти ва руҳлар сингари «жонзот»лар ҳақидаги тушунча ибтидоий даврда туғилган ва одамлар онгига сингиб кетган.

Ибтидоий онгнинг ниҳоятда чекланганлиги табиат ҳодисалари моҳиятини англаб етишга имкон бермас эди. Аждодларимиз бахтсизлик, касаллик, табиий офатлар ёвуз руҳлар амри-ла юз беради деб тушунишган, яхши ва ёмон руҳлар борлигига қаттиқ ишонишган. Офат ва балоларга қарши курашишнинг ҳақиқий йўлини тополмаганлар ҳамиша яхши руҳларнинг муқаррар мададига умид боғлаб яшаганлар.

Пари, муаккил, чилтон, арвоҳ, пир каби афсонавий ҳомийлар одамни доим қўллаб-қувватлар, дев, алвасти, ажинага ўхшаш ёвуз руҳлар эса фақат кулфат келтирар эмиш. Ўрта Осиё халқларининг қадимги афсоналарида яхшилик кучларининг пайдо бўлиши олов, нур, офтоб, ҳаво билан; ёмон кучлар эса зулмат, қоронғилик билан боғланади. Шунинг учун бўлса керак, ибтидоий одам тасавурида уч олам мавжуд: само — яхши руҳлар, илоҳалар олами; замин — инсоният олами; ер ости — ёвуз кучлар олами. Яхши ва ёмон руҳларнинг

---

\* М. Жўраев билан ҳамкорликда ёзилган.

хаёлий тасвири ва улар билан алоқадор удумлар ҳозирга қадар яшаб келаяптики, тасаввури камбағал кишилар орасида уларга имон келтирувчилар ҳанузгача учраб туради.

Хаёлий уйдирмаларни илмий талқин қилиш шу босидан ҳам зарурдир. Қуйида Ўрта Осиё халқлари мифологиясидаги ёвуз руҳлардан бири — алвасти ва у билан боғлиқ маросим ҳамда удумлар, бу хаёлий мавжудот ҳақидаги халқ қарашларининг пайдо бўлиши хусусида сўз юритамиз.

Алвасти билан боғлиқ ирим ва ривоятлар фақатгина Ўрта Осиё халқларида эмас, Эрон, Закавказье, Олд Осиё, Сибирь, Узоқ Шарқ, Монголия ва Қозоғистон ўлкаларида, Европа мамлакатларида, хуллас, жаҳоннинг кўпгина ерларида кенг тарқалган. Бу қадимий афсонавий образни ўзбек, тожик, уйғур халқлари алвасти, албасти; туркман, қорачой-балқар, қозоқ, татар, яғнобликлар албасту; қирғизлар албарсту; чувашлар албаст; грузинлар али; эвенклар ва ёкутлар абаси; удмуртлар албасти; мўғул ва чеченлар алмас; бурят, хакас, олтой халқлари шулмус деб аташади. Афғонистоннинг Мозори Шарифида эса уни «модари ол», яъни ол она дейишади.

Эрон ва Туркменистонда истиқомат қиладиган балужлар тилида бу ёвуз руҳ алг деб аталади. Айтишларича, алг — баланд бўйли, қиёфаси даҳшатли қора кампир. У сийнасини елкасидан ошириб орқасига ташлаб юради. Бу уйдирма образнинг кўриниши ўзбек эртакларидаги ялмоғиз кампир тасвирини эслатади. Балужлар туғруқдан кейинги олти кунни айниқса хавfli ҳисоблаб, онанинг ёстиғи остига туз ва ўткир пичоқ яшириб қўядилар. Шу кунларда чақалоқли уйда чироқ ўчмайди. Акс ҳолда алг болаларга қора мушук ёки ит шаклида кўринар эмиш.

Закавказьеда ҳам бу ёвуз куч ҳақида турли қарашлар мавжуд. XVII асрда яшаган Сулхонсабо Орбелиани томонидан тузилган изоҳли луғатда «Али — хаёлий ёвуз руҳ» дея қисқа ва лўнда маълумот берилган.

Ўхшашликни қарангки, Афғонистон тожиклари, эронликлар, балужлар ва баъзи туркманлар тилида ҳам бу хаёлий мавжудот қисқагина ал деб юритилади. Яғнобликлар эса ҳар иккала атамани (алвасти ва ал) қўллайдилар.

Қадимги Месопотамияда Ламасту (Ламашту) номи илоҳага сифиниш кенг расм бўлган. У Ану худоси-

нинг қизи бўлиб, афсоналарда сочлари елкасига ёйилган, катта кўкракли, тирноқлари ўсиқ, гоҳ шер, гоҳ қуш бошли даҳшатли махлуқ қиёфасида тасвирланади. Бу ёвуз руҳнинг ҳайвон қиёфасида тасаввур этилиши ибтидоий диний эътиқод шаклларида бўлмиш тотемизм таъсирдир.

Алвасти ва Ламасту номларининг ҳамоҳанглигидан ташқари, улар қилмишидаги ғалати ўхшашлик ҳам кишини ҳайратлантиради. Гўдакларни қўрқитиш алвастининг кундалик иши эмиш, Ламасту ҳам эшик ёки дераза тирқишидан хонага кириб чақалоқни эмизар, натижада гўдак нобуд бўлармиш.

Туркий халқларда учрайдиган қатор удумлар Ламасту билан алвасти аслида бир нарса эканлигини кўрсатади.

Ламастунинг етти хил номи бор дейишади. Қирғизлар бола дўпписи ичига дарё тубидан олинган еттита тош солинган тумор осиб қўядилар. «Бу жети қара таш» халқ тасаввуридан болани ёвуз кучлар таҳдидан, шунингдек кўз тегишидан асрар эмиш.

Қоракўл районининг Жигачи қишлоғида ёш болага атаб тикилган тўннинг астаридаги еттита ямоққа кўзимиз тушди. Қарияларнинг айтишича, тўндаги ямоқ болани таъқиб қилиб юрган етти балони қайтарар эмиш. «Таъқиб қилувчи» алвасти эканлиги маълум, шундай экан, етти бало етти хил номли Ламасту эмасмикан! Бу ўхшашликни Урта Осиё ва Месопотамия халқлари орасидаги энг қадимий маданий алоқалар замиридан излаш керакка ўхшайди.

Грецияда Ламия ва Алабастрия ҳақидаги афсоналар сақланиб қолган. Ламия гўдакларнинг қонини сўриб тирикчилик қилувчи жонзот сифатида талқин этилади. Ҳикоя қилишларича, қачонлардир Ламия ниҳоятда гўзал, аммо тошмеҳр малика бўлиб, ёш гўдаклари нобуд бўлгач, у аламига чидолмай, бошқаларнинг болаларини гумдон қилиш йўлига ўтиб олган экан.

Алабастрия ҳам илк христиан мифологиясида тез-тез тилга олинadиган ёвуз илоҳалардан. Фикримизча, қадимги юнон мифологиясининг шаклланишида Шарқ, хусусан Урта Осиё халқлари оғзаки ижодиётининг самарали таъсири борга ўхшайди. Ламия ва Алабастрия образларининг вужудга келиш йўллари ҳам бевосита Урта Осиё халқлари ривоятларидаги алвастидан излаган маъқул. Фикримизча, бу ном икки мустақил сўзнинг (ал + босди) бирикувидан ҳосил бўлган. Маҳмуд Кошғарий шундай ёзганди: «Ал — тўқ-сариқ рангдаги

ипак кийимлик. Шунингдек, тўқ-сарик рангни ҳам ал дейдилар». Алвасти номи асли туркча бўлиб, биринчи бўлаги ал — сарик, иккинчи қисми васти — босди маъносини билдиради. Алвасти ҳақидаги ривоятларда бу образ сарик сочли қиз сифатида тасвирланиши «ал» сўзининг «сарик» маъносини билдиришини тасдиқлайди.

Республикамининг Нурота, Зомин, Жомбой каби қатор районларида алвасти сарик қиз тарзида тасаввур қилинса, Хоразмда Сарiona (Сарик она) ҳақида ҳар хил ривоятлар учрайди. Ибтидоий диний эътиқод шаклларида бўлмиш шаманлик термаларида ҳам Сари қизлар, Сарик момо образлари кўп. Буюк немис шоири Гётенинг «Фауст» асарида «даҳшатли чинқирик билан ўт ичида Алвасти пайдо бўлиши» унинг Фауст ва Мефистофель томонидан «момо», «шум кампир» деб аталиши немис халқи тасавуридаги алвасти ҳам аёл эканидан далолат беради.

Алвасти қиёфаси Шарқ халқларида турлича тасвирланади. Бу ёвуз руҳнинг зарар келтиришига ишонувчи кишилар уни одам ёки ҳайвон қиёфасида «кўришган»ини айтишади. Зарафшон водийсида истиқомат қилувчи тожиклардан йиғилган этнографик маълумотларга асосланиб, алвастининг қуйидаги суратини «чизиш» мумкин: бўйдор, нимжон, хунук, аёлсифат, пахмоқ сочлари тартибсиз ёйилган. Сийналаридан бири пастга осилиб турса, иккинчисини елкасидан ошириб орқасига ташлаган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бошқа кўпгина халқлар алвастиси ҳам худди шундай, фақат унинг қўллари қоп-қора, тирноғи ўсиқ деб талқин қилинади.

Баъзи жойларда алвастини сарик сочларини тараб ўтирган соҳибжамол қиз деб таърифлашлари ажабланарли. Бухоро областининг Қоракўл районидаги «Бухоро» колхозида яшовчи Нурмуҳаммад Холбоевга ҳам алвасти билан «рўбарў» бўлиш насиб қилган:

...У ғўзаларни суғориб бўлгач, уйга ошиқади. Шунда ён томондан қорайиб кўринаётган эски қабристон кўнглига ғулғула солади. Шамолда аста чайқалаётган тол ва жийда дарахлари янада ваҳималироқ туюлади. Қабристон ёнидан ўтаётиб, унинг қўрқуви янада зўраяди. Ариқ бўйига етиб келган ҳам эдики, бирдан сув устидаги супачада ўтириб, тилларанг сочларини тараётган ғўзал қизга кўзи тушади. Қиз ҳадеб қиқирлаб кулар, даҳшатдан қотиб қолган йигитни ёнига имларди...

Мазкур ҳодисани шарҳлаш қийин эмас: аслида йи-

гит алвастини хаёлда «кўрган». Чунки кимсасиз, пастқам жойларда ёлғиз юрган одам чўчиши, турли хаёлларга бориши табиий. Бунинг устига қачонлардир эшитган афсона-ю ривоятларни эслаш ваҳимани кучайтиради. Қўрққанга қўша кўринади деганларидек Холбоев ҳам ваҳима туфайли тасавурида алвасти қиёфасини гавдалантирган, натижада мияда жонланган ёвуз руҳ ифодаси сариқ сочли қиз сифатида кўзга кўринган. Бу фанда галюцинация деб ном олган ҳолатнинг ўзгинаси.

Чечен-ингуш фольклорида ярми олтин, ярми кумуш сувга ювилган сочлари тақимиға тушган гўзал ўрмон аёллари образи кўп учрайди. Алмас номли бу ёвуз руҳ ҳам алвастининг ўзгинасидир.

Оғиздан-оғизга ўтиб юрган «қонуният»ға кўра, алвасти асосан ариқ ёқасида ёки дарахт панасида, баъзан чолдеворларда чўнқайганича узун сочларини тараб ўтиради. Қалин бутазорлар ва айрим якка дарахтларнинг муқаддаслик сири ҳам алвасти ҳақидаги шунақанги тасавур билан алоқадор. Ёнғоқ дарахти ёнидан ўтган, айниқса унинг тагида ухлаган кишини ажина чалиб кетиши ҳақида Урта Осиё республикаларидаги кўпгина халқларда «воқеий ҳикоя»лар тўпланган. Ваҳолонки, ёнғоқ дарахти баргидан ажралиб чиқадиган эфир мойининг ҳиди, айниқса шамол бўлмаганда, инсон организмига салбий таъсир қилиши мумкинлиги аллақачон исботланган.

Мутахассисларнинг ёзишича, Уратепа ва Самарқанд атрофида яшовчи тожиклар алвастини янада ваҳшийроқ махлуқ сифатида талқин қиладилар. Гўё алвасти она ҳамда чақалоқнинг юрак ва жигарини суғуриб олиб, сув бўйига борар, уларни сувга чайишга улгурса, она-бола нобуд бўлармиш. Шундай анимистик қарашлар Помир, Жанубий Қирғизистон, Қоратегин, Дарвоз, шунингдек Афғонистонда ҳам қайд этилган. Бу ўринда алвастининг сув билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш керак. Помирликлар наздида алвасти сув парисидир. Агар унинг изига тушилса, алвасти таъқибдан қутулиш учун сувга шўнғиб кетар, ўша жойдан улкан олов устуни ловиллаб кўтарилар эмиш.

Халқимизнинг бой оғзаки бадий меросида сув париси, сув муакиллари ҳақида турли хил қўшиқ, эртак ва ривоятлар сақланган. Айримлар кечаси ариқ ёки дарё бўйига яқинлашмасликни маслаҳат берадилар, гўёки «сув эгаси» қирғоқда турган одамни энг яқин кишисининг овози билан «чақирар» эмиш.

Ўзбек қорлуқларидан ёзиб олинган бир маълумотда чуқур жарлик ёки дарё гирдобларида «убба» деб номланган ёвуҳ руҳ яшаши айтилган. У сув бўйига ёлғиз келган одамни чўктиришга ҳаракат қилармиш. «Убба» пайт пойлаб, ўлжасини сув тагига тортиб кетармиш, унинг қонини сўриб, сўнгра сув бетига қалқитиб чиқарар эмиш. Ўтмишда «сув эгаси» бўлмиш бу ёвуз кучга қаттиқ ишонган қорлуқлар «убба»га қўй ва эчкилар аташган.

Анатолия туркларида «алвасти сувда ўзини яхши ҳис қилади» деган ибора ҳозиргача сақланиб қолган бўлса, чечен-ингушлар алмас деб аталувчи аёл қиёфали иблисни дарё билан боғлиқликда тасаввур этадилар. Хоразмда яқин-яқингача оғиздан-оғизга ўтиб келган бир удум алвастини сув билан боғлайдиган занжирга яна бир ҳалқа бўлиб қўшилади. Алвасти «туфайли» бепушт бўлиб қолган аёллар дарддан халос бўлиш учун кемада Амударё оқимига қараб сузадилар, бора-бор-гунча сувга нон, туз ташлашади.

Хуллас, алвастининг сув ва сув парилари билан яқинлиги мазкур образ қадимги дарё ҳомийлари ҳамда ҳосилдорлик маъбудалари ҳақидаги афсоналарга бориб тақалишини кўрсатади.

Ўтмишда янги туғилган чақалоқ, ҳомиладор аёл ва ёш келин-куёвларни ҳар қадамда алвасти таъқиб қилиб юради, деб тушунишдан бутун бир туркум урф-одатлар мажмуаси вужудга келган. Чунончи чақалоқни ҳомилалик чоғидаёқ ёвуз кучлар ҳужумидан асраганлар. Ҳомиладор аёл қоронғида ёлғиз қолдирилмаган. Она ташқарига чиққанида унинг тўшагига алвасти кириб олмасин учун аёллардан бири ўрнини қўриқлаб турган. Келинчак тушган уйга қирқ кунгача боласи кўп нобуд бўлган аёл яқинлаштирилмаган. Баъзи қишлоқларда эса ҳомиладор аёлнинг боласиз аёл қадами теккан жойдан ўтиши ман этилган.

Қадимда ой-куни яқинлашган аёл ёстиғи остига пичоқ, жун мато, қалампир қўйишган. Мабодо уйқудаги аёл биров чақиргандай овоз эшитиб уйғониб кетса, товуш келган томонга қараб «э ошпичоқ, қалампир!» деб қичқариши, аччиқ нарсанинг номини эшитган алвасти дарҳол у ердан узоқлашиши керак экан. Бу тадбир алвасти аччиқ нарсалардан, металл ва қуролдан қўрқади деган ақидадан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Ўрта Осиё халқлари тасаввурида чақалоқ уйда ёлғиз қолдирилса, алвасти пайт пойлаб, хонага кириб олар ва болага кўкрак тутар ёки уни катта-катта сий-



налари билан димиқтириб ўлдирар эмиш. Бунинг учун чақалоқ қирқ кунгача назоратсиз қолдирилмаган: бешиги устида шам ўчирилмаган. Баъзи жойларда бола туғилган кунданоқ унга эски кийимдан тикилган «итёқа кўйлак» кийгизадилар. У қирқ кундан сўнг ечиб олинади-да, навбатдаги чақалоққа асраб қўйилади. Бу жажжи либоснинг «итёқа кўйлак» дейилишида катта мажозий маъно бор, албатта. Биринчидан, ит алвастининг энг хавфли душмани деган эътиқодга амал қилинса, иккинчидан чилла даврида бола ҳаётига зомин бўлиши эҳтимол қилинган ҳамма бало-қазолар итга рўпара қилинади. Ит номи билан алоқадор киши исмлари жаҳондаги кўпгина халқларда учрашишининг боисини ҳам шундан излаш керакдир, эҳтимол.

Бола турмаган оилаларда чақалоққа «итёқа кўйлак» кийдириш одати Ўрта Осиё халқларида, жумладан Қорамурт ва Сайрам ўзбеклари орасида анча кенг тарқалганлиги қадимдан маълум. Расм-русмга кўра, чақалоққа тикилган биринчи кўйлак аввал ит боласига, кейин гўдакка кийдирилган. «Итёқа кўйлак» кийдириляётиб, «итнинг умри калта, боланинг умри узун» деб бир неча марта такрорлашган. Тошкент областидаги ўзбек қурамаларида чақалоқни бешикка ётқизишдан олдин «эгаси келди кучуги чиқсин» деб икки-уч марта такрорлаш одат тусига кирган.

Ҳомиладор аёл тушида ёвуз итни кўриб чўчиб уйғонса, алвасти она қорнидаги гўдакни таъқиб қияпти, деб тушунилган ҳамда «итларни зиёфат қилиш» маросими ўтказилган. Унда ўнта чалпак ёпиб, еттитаси маросимга бош-қош бўлиб юрганларга, қолган учтаси эса итга берилган. Шу йўл билан ҳомила гўдак ит қиёфасидаги алвасти таъқибидан «халос» этилган.

Умуман, Ўрта Осиёда алвастига йўлиққан «бемор» ни даволашда итдан кўп фойдаланишган. Қозоғистоннинг Иргуз районидаги қозоқ овулида шундай маросим кузатилган: бахши алвастига йўлиққан хаста аёлни катта йўлнинг ўртасига олиб чиқади. У бир қанча афсун ва аврашлардан сўнг қўлидаги турли рангга бўялган отнинг калла суягини бемор боши узра бир неча бор айлантириб, кейин итнинг олдига ташлайди. Бизнингча, бу маросимни шундай шарҳлаш мумкин: бемор вужудига ўрнашган ёвуз руҳлар отга миниб қочади, ит эса уларни қувиб боради...

Биз асосан алвастининг ёвузликлари хусусида сўз юритдик. Дунёдаги кўпгина халқларда, хусусан болалар орасида алвасти даҳшат, қўрқув тимсоли бўлиб

қолганини таъкидладик. Лекин шуни қайд этиш лозимки, асрлар мобайнида ўз эрки, мустақиллиги учун курашиб келаётган инсон алвасти номли исми бор-у, ўзи йўқ «жонзот»га қарши кураш йўлларини излади. Алвастини чалғитиш, чўчитиш, у «етказган» касофатни даволаш йўллари «топилган», кези келганда кучли ва қўрқмас одамлар у билан яккама-якка олишувда ғолиб чиқишган. Алвасти билан олишиб уни енгган эрлар ҳақидаги афсоналарда айтилишича, гўёки алвастининг сочини қўлига ўраб олган одам, аввал унга «етти пуштингга зиён бермайман» деб қасам ичирармиш, сўнгра алвастининг сочлари орасига беркитилган китобчани, тилининг остидаги тангаси ва бир неча соч толасини юлиб олиб, тавбасига таянтиргач, қўйиб юборармиш. Бор бисотидан айрилган алвасти ўша одамнинг қулига айланармиш. Зарур пайтда, соч толаларидан бири тутатилса, алвасти дарҳол буюрилган юмушни бажаришга киришармиш.

Афсуски, шу вақтга қадар алвастини на қўлга тушириш, на соч толасини куйдириш одам боласига насиб этмаган. Шундай экан, наҳотки одамлар неча-неча замонлардан буён йўқ нарсага шунчалик эътиқод қўйиб ўзларини беҳуда чалғитиб келишаётган бўлса! Наҳотки туғилмаган норасидани алвасти таъқиб этса! Наҳотки, алвасти фақат пастқам жойларда танҳо бораётган одамгагина кўринса!

Бу саволлар масалага жиддий мулоҳаза билан ёндашишни тақозо қилади. Ҳомиладорлик аёл киши ҳаётидаги энг нозик давр. Бу даврда унинг нақадар эъзозланиши, ардоқланиши бўлажак инсон саломатлиги учун жуда зарур. Бола туғилгач, у онанинг вужудидан пайдо бўлган сут билан озиқланади. Демак, она саломатлиги яна маълум вақтгача эҳтиётланишга муҳтож. Ҳаммага маълум бу талаблар замонавий медицина томонидан доимо уқтирилмоқда. Бироқ ҳаммабоп медицина бўлмаган замонларда ҳомиладор аёллар нималарга асосан эҳтиёт чорасини кўришган. Авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган тажрибалардан пайдо бўлган урф-одатларга суянишмаганми!

Тунда ёлғиз қолган ҳомиладор аёл чўчиши, турли нохуш ҳаёлларга бориши мумкин. Йўргакдаги норасида тунда ҳам назоратга муҳтож, бинобарин шам ёқиш зарурати бўлган. Ехуд ёш келин-куёв тўйдан олдин ва кейин қирқ кун айниқса эҳтиётланган. Тўғри-да, киши ҳаётида бир марта юз берадиган воқеа арафасида ёки

ундан кўп ўтмай, бахтсиз ҳодисага йўлиқиш нақадар ачинарли!

Ана шунга ўхшаш кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида халқ алвасти, ажина сингари йўқ мавжудотларни ўйлаб топган. Зеро, тафаккур қудрати шунини тақозо қилган.

«Қимсасиз жойда ёлғиз юрма, алвастига учрайсан, ажина чалади» деган ақида замирида «одам одам билан тирик, танҳолик — ёвузлик» деган ҳикмат яширинмаганмикин?

### Янги йил эшик қоққанда

Фаровон турмушимизда нима кўп байрам кўп. Лекин барча байрамлар орасида Янги йил байрами ҳаммада кўтаринки кайфият уйғотиб, ўзгача қувонч бахш этиши маълум.

Янги йил байрами ҳақида сўз борар экан анвойи ўйинчоқлар билан безатилган, ҳар ер-ҳар еридан рангбаранг лампочкалар милтиллаб осилиб турган ям-яшил арча-ю, эгнига оқ пўстин, бошига қизил қалпоқ кийиб, қўлига ҳасса ушлаб, елкасига совға тўла қопчиқ ортган узун соқолли қорбобо келади кўз ўнгингизга.

Дарҳақиқат кўпгина мамлакатларда ям-яшил қалин ва хушбўй арча Янги йил рамзи ҳисобланади. Бир замонлар славян халқлари ва бошқа шимол халқлари арчани бахт, осойишталик келтирувчи дарахт сифатида эъзозлашган. Одамлар шу сабабли Янги йил кечаси уйларига арча ясатадиган бўлишган.

Арча безаш одати қадимийдир. Бир замонлар одамлар дарахтларда, шу жумладан арчада ўсимлик ва ҳосилдорлик руҳи яшайди, дон ва сабзавотлар ҳосилдорлиги шуларга боғлиқ деб ишонганлар. Йил охирларида кунлар узайиб, янги «қуёшли» йил бошланганда одамлар ўрмон кезиб, энг катта арчанинг шоҳларига руҳлар учун «совға» илишган. Уларнинг эътиқодича, гўё шундай қилганда руҳлар шу совғаларни кўриб, сажийлашар ва ҳосилдорлик яхши бўлар эмиш. Тўғри, замонлар ўтиши билан кишилар руҳларга ишонмай қўйишган бўлса-да, арча безатиш одати давом этаверган. Савол туғилиши мумкин: арча битмайдиган ўлкаларда одамлар нима қилишади? Бундай ўлкаларда бирон бир турдаги доимий яшил дарахт арча ўрнини босаверади. Айтайлик, Вьетнамда шу мақсадда мандарин дарахтидан фойдаланишади.

Фақат арчагина эмас, балки Қорбобо ҳам қадимийдир. Маъжусий диний тасаввурда у шимолдаги совуқ шамол худосининг тимсоли саналган. Нақл қилишлари-ча, совуқ шамол худоси муздан қурилган қасрда ҳар йили қишда қуёш юзини тўсиб, фақат баҳордагина унинг юзидан пардани олармиш.

Бора-бора у муз билан дарёни занжирлаётган паҳлавон темирчи, сўнгра эса бизга таниш Қорбобо тарзида ифода этиладиган бўлган. Кейинчалик Қорбобо маъжусийлар динидаги муқаддаслик маъносини йўқотиб, одамларнинг дўстига айланди: мана, неча-неча йиллардан буён ҳар сафар Янги йил кириши арафасида у ҳар турли совғалар жойланган қопчиғини елкасига ортиб, инсонларни бахт-саодат ила табрик этиш учун узоқ шимол ўрмонларидан келади.

Ҳар йили эшик қоқиб Янги йил кириб келади. Лекин Янги йил турли мамлакатларда турлича урф-одатларга кўра кутиб олинса-да, бари бир ҳамма ерда шодхуррамлик, севинч, куй-қўшиқлар ҳукмронлик қилади. Келинг, муҳтарам китобхон дунё мамлакатларини бир ғойибона айланиб келайлик-чи.

Янги йил шарқдан кириб келади. Лекин уни илк бор қаерда қарши олишларини биласизми? Дунёда Янги йилни биринчи бўлиб Тинч океандаги фиджи архипелагида яшовчи халқлар кутиб олишади. Мазкур архипелаг 320 та оролдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ярмига яқинидагина аҳоли яшайди.

Бошқа мамлакатлардагидан фарқли ўлароқ Японияда Янги йилни кечаси эмас, балки тонгда, қуёш чиқиши билан кутиб олинади. Янги йил кечаси шаҳар ва қишлоқлардаги ибодатхона, одатда, 108 марта бонг уради. Маълумки, Японияда 100 ва 8 рақамлари бахтли рақамлар ҳисобланади. Янги йил кечаси чалинадиган қўнғироқ бонги радио орқали олиб эшиттирилади. 108-бонг урилганида ҳамма жой-жойига етган бўлиши керак. Акс ҳолда Янги йилни қарши олишдан кечикилади. Мабодо бирон киши ғафлат босиб ухлаб қолгудек бўлса, у Янги йилда бирон эзгуликдан умидвор бўлмайди.

Япон аёллари Янги йил дастурхонига анъанавий таомлар тайёрлашади. Оилада тўкинчилик рамзи сифатида гуручли печенье, узоқ яшашни орзу қилиб эса узун ингичка макарон пиширишади, нўхатли таом сиҳат-саломатлик, зогора балиқдан тайёрланган егулик эса куч-қудрат рамзи ҳисобланади. Байрам арафасида жамики хонадонларда анвойи рангларга бўялган варрак-

лар ясаб, Янги йил куни учуришади. Болалар Янги йилда нимани орзу қилса, ўшанинг тасвири туширилган варракни ёстиқ тагига қўйиб ухлашаркан.

Январнинг дастлабки уч кунда японлар бир-бирлариникига бориб келишади. Сутчи, тикувчи, косиб, кир юувчи, сотувчи ва бошқа майда савдогар, ҳунармандлар ўз ҳожатмандлари ва харидорларига Янги йил совғалари бериши одат тусига кирган.

Японлар Янги йил арафасида барча бочка, идиш ва қўшқулоқларни булоқ ёки қудуқ суви билан тўлдириб қўйишади. Янги йил байрамининг сўнгги куни ўт ўчирувчиларнинг намоийши бўлади. Қишлоқларда эса қизлар бамбукдан ясалган саватга «баҳорнинг етти ўти»ни теришади. Ана шу кўкатлар гуруч билан қайнатилиб, нонуштага берилади, тушда эса дзони таоми тайёрлаб тортилади. Эртаси куни Янги йил арафасида уйларни безаш учун қўйилган қарағай шохлари ташлаб юборилади — бу байрам тугаганлигининг белгисидир. Шундай қилиб, бутун мамлакат байрамдан аввалги ҳолига қайтади.

Индонезиянинг Бали оролида Янги йил одатдагидан барвақтроқ киради. Бунинг сабаби бу ерда йилнинг узунлиги бор-йўғи 210 кунга тенглигидадир.

Корея Халқ Демократик Республикасида таомилга кўра, Янги йил кутилганидан сўнг кенг кўча ҳамда майдонларда, истироҳат боғларида сайил-томошалар кун бўйи давом этади. Турли мусобақалар уюштирилади. Айниқса қиз-жувонларнинг баландликка сакраш мусобақалари қизиқарлидир.

Вьетнамда қадимдан ой календари қўллаб келиниши сабабли бу ерда Янги йил ҳар хил фаслларда кутиб олинади. Вьетнамликлар Янги йил байрамини тет деб юритишади. Янги йил байрами кўпинча эрта кўкламда ўтказилади. Бу вақтда қишки қишлоқ хўжалик ишлари тугаб, дам олиш даври бошланади. Одатга кўра, аҳоли, айниқса ёшлар байрам кунлари яқин кишиларининг, ота-боболарининг қабрини зиёрат қилишади. Йилнинг қолган кунлари ҳам ана шундай байрамонга ўтсин деган ниятда барча вьетнамликлар бу кунлари мулойим, шинаванда бўлгиси келади. Янги йил тунида улар яқин кишиларига гули энди очилиб келаётган шафтоли дарахтининг шохчасини, олтин ранг мевали мандарин шохларини инъом этишади. Оила аъзолари яқин қариндошлари билан биргаликда узоқ вақт гулхан атрофида ўтириб, бир-бирларига ҳикоя, қизиқарли эсдаликлар ёки ҳангомаларни гапириб беришади. Шуниси диққат-

га сазоворки, вьетнамликлар ўзларини туғилган кунларидан эмас, балки Янги йил кунидан бошлаб бир ёш катталашган ҳисоблашади.

Бирмада Янги йил байрами йилнинг иссиқ мавсумида нишонланади. Шунинг учун бўлса керак, қадирий умумга кўра, бирмаликлар хоҳ қариндош-уруғлари, хоҳ таниш-нотаниш бўлсин, дуч келган одамнинг устидан шалолатиб сув қуяверишади. Таомил шундай, шунинг учун хафа бўлишга ўрин йўқ.

Кампучияда ҳам Янги йил баҳорнинг ўрталарида 12—13 апрелда бошланади. Янги йил бошланишидан бир неча кун муқаддам мамлакат пойтахтидаги Қумуш будда ибодатхонасида улкан «қум тоғи» ясалади. Ана шу «Қум тоғи»нинг марказида Мерд тоғи бўлиб, у конотнинг ўқи ҳисобланади. Нақл қилишларича, бу тоғ остида Будданинг сочи сақланармиш. Қум тоғи этагига кимда-ким нечта қум зарраси ташласа, у шунча гуноҳдан халос бўлармиш. Қум тоғи ясашда кўпчилик қатнашади.

Мамлакат бўйича Янги йилни байрам қилиш «қум тоғлари» ясаш маросими билан боғлиқ. Ана шундай «қум тоғлари» жамики будда ибодатхоналарида ясалади. Хонадонларда эса хом ва қайнатилган гуручдан, баъзан кўк сомсадан «тоғ» ясалади. Кейинги йили ёмғир кўпроқ ёғсин учун Будда ҳайкали Янги йилнинг биринчи кунини сув билан ювилади. Янги йил билан боғлиқ рақс, қўшиқ ва ўйин-кулги тонг саҳардан қоқ тунгача давом этади.

Монголияда Янги йил байрами икки хил нишонланади: биринчиси расмий янги йил бўлиб, биринчи январь кунини, халқ Янги йили эса Шарқий Осиё календарининг оғи фазаларига мувофиқ, кўпинча кўкламда нишонланади.

Куз бўйи ғамланган чорва озукаси эрта кўкламда тугаб, моллар болалайди ва «янги сут» бера бошлайди. Шу вақтдан монголларнинг Янги йили бошланади. Байрам кунини уй бекалари чучварага ўхшаш буза деб аталувчи миллий таом тайёрлашади. Эътиқодга кўра, байрам кунини киши нечоғли кўп овқат эса йил бўйи серобгарчилик бўлади, деб ишонишади. Вьетнамда бўлганидек, бу ерда ҳам ёш ҳисоби шу байрамдан юритилади. Айтайлик, бола байрам арафасида туғилса ҳам, бари бир эртасига икки ёшга ўтган ҳисобланади.

Монголлар қорбобоси ўтган асрлардаги чўпонларни эслатади. Унинг қўлида қамчи, ёнбошида анъанавий тамакидон, чақмоқтош осиглиқ, эғнида бароқ пўстин,



бошида катта тулки телпак. Янги йил бошланиши билан қорбоболар сайри бошланади. Улар хонадонларга кириб, соҳибларга бахту саодат тилайдилар, уй бекалари тайёрлаган таомлардан тановул қиладилар. Шуниси ҳам борки, Янги йил таомлари фақат қўлида тамакидон, чақмоқтош ва қамчиси бўлган қорбоболаргагина насиб этади. Борди-ю бирон бир қорбобо ана шу уч нарсадан бирортасини унутган бўлса, ҳамма нарсадан маҳрум ҳисобланади.

Илгарилари Монголияда Янги йил байрами бир неча кун давом этарди, эндиликда эса икки кунга келтирилган. Монголлар Янги йил байрами столига махсус тайёрланган пирог тортишади. Бу пирогнинг ичига атайлаб майда чақалар, узук, митти чинни қўғирчоқлар, қалампир ва шунга ўхшаш нарсалар солинади. Меҳмонлардан қай бирининг еяётган пирог ичидан узук ёки чақа чиқиб қолса, у Янги йилда бахтиёр бўлади, қалампир чиққудек бўлса, бундай одам келгуси йилда эзгулик кутмаса ҳам бўлади.

Ҳиндистонда Янги йилни расмий доиралар 1 январда нишонлашади. Лекин аҳоли Янги йилни бир неча хил эски ҳисобларга кўра кутиб олади. Масалан, Янги йил мамлакат шимолида 13 апрелда, жанубида мартда, ғарбида октябрда, Керала штатида июль ёки августда нишонланади. Японияда бўлганидек, Ҳиндистонда ҳам Янги йил байрами кечаси эмас, балки Қуёш чиқа бошлаши билан нишонланади.

Ҳиндларнинг таомилига кўра, Янги йилнинг биринчи кунда ҳамма покизланади, ўтган йил ёдга олиниб, келгуси йил режалари тузилади. Бу ерда ажойиб бир удум борки, у авлоддан авлодга ўтиб келмоқда, яъни Янги йил кунини ҳеч ким асабийлашмаслиги, жаҳлдор бўлмаслиги лозим. Зеро йилнинг қолган кунлари ҳам биринчи кундагидек ўтсин деб ҳиндлар бир-бирига яхши тилаклар билдиришади.

Шри Ланка мамлакатининг туб аҳолиси бўлмиш сингалезлар апрель ойининг бошида ҳосилни йиғиб-тегриб бўлгач, сўнгра Янги йилни нишонлайдилар. Тўқинсочин, мўл ҳосил инъом этгани учун деҳқонлар табиатдан миннатдор бўладилар, Сингалезлар хонадониди махсус байрам таомлари тайёрланади. Қариндошлар бир-бирларини зиёрат қилиб, Янги йил билан муборақбод қилишади. Мунажжимлар байрам кунлари толенома тузиб, келажакда нималар бўлишини «каромат» қилишади.

Афғонлар Янги йилни март ойида байрам қилиша-



ди. Шаҳару қишлоқлар байрам тусини олади. Далаларда биринчи эгатни қишлоқнинг энг мўътабар кишилари очади. Шундан кейин Наврӯз — баҳор байрами бошланади. Шаҳарликлар табиат қўйнида сайрга чиқишади. Шуниси диққатга сазоворки, байрам кунлари ва бошқа тантаналарда спиртли ичимликлар мутлақо оғизга олинмайди, унинг ўрнига шарбат-у ширинликлар истеъмол қилинади. Афғон аёллари Қобулдаги шаҳар боғида Янги йилни байрам қилишади. Шаҳардаги Бобур хиёбонида энг яхши насли моллар намоёйиш қилинади, полвонлар кураш тушади, миллий рақслар ижро этилади ва ҳоказо.

Маълумки Эронда икки хил календарь қўлланилади. Улардан бири Қуёш календаридир. Бу календарь ойлари қадимги эроннинг зардуштий руҳлари билан аталади. Янги йил бизнинг ҳисоб бўйича 21 мартда нишонланади. Иккинчи календарь ой календаридир. У Қуёш календаридан ўн кун кам бўлиб, ойлари Қуёш календарининг ойларига мувофиқ келмайди.

Мусулмон-шиалар Янги йилнинг бошланишида, яъни муҳаррам ойининг биринчи ўн кунда Муҳаммаднинг набираси Ҳусайннинг ўлимини ёдга олиб ғамгин маросим ўтказишади. Шиаларнинг қайғули янги йилдан фарқли ўлароқ халқ хушчақчақ баҳор байрами — Наврӯзни ўтказишади. Байрамга анча илгари тайёргарлик кўришади. Икки ҳафта олдин буғдой ундириб қўйилади, чунки буғдой майсаси табиат уйғонганининг рамзи сифатида байрам дастурхонини безаб туриши керак.

Эронда Янги йил байрами яқинлаша боргани сайин кўча-кўйда ўйин-кулги авжига чиқади. Кечқурунлари гулхан ёқиб, унинг устидан сакраш мусобақалари ўтказилади. Янги йил бошланганлигининг аломати сифатида 21 март куни ҳар бир шаҳарда тўп отилади. Тантаналар бир ҳафта давом этади. Оила бошлиғи хонадонининг барча аъзоларига янги кийим-бош совға қилади. Байрам дастурхонида албатта саримсоқ, сирка, ундирилган дон, яшил бошоқ шираси, юзасида яшил барг сузиб юрган сув, рўта ўти, лоха меваси, шунингдек, тирик балиқ солинган қадаҳ, бўялган тухум ва турли ноз-неъматлар бўлиши шарт.

Янги йил байрамида эронликлар барча сопол идишларни янгилашади. Бу эзгулик аломати саналади. Шу сабабли бўлса керак, Эронда бирор хонадоннинг турмуш тарзи ҳақида гап борганида «бу хонадонда икки йиллик идиш-товоқ бор», — дейишади.

Соат нақ ўн икки бўлганда, таомилга кўра, ҳамма-

нинг қўлида кумуш танга бўлиши керак. Шундай қилганда гўё киндик қони тўкилган она юртдан, оиладан жудо бўлмас эмиш.

Наврўз куни эронликлар бир-бирларига бахт рамзи сифатида кумуш танга беришади. Наврўзнинг ўн учинчи куни шаҳарликлар шаҳар ташқарисига чиқишади, майсазор ва ўрмонларда сайр қилишади.

Эфиопияда Янги йил сентябрь ойининг ўрталарига тўғри келади. Бу ерда ҳам янги йил Монголиядаги сингари ҳосил байрамига қўшилиб кетади. Байрам куни каттаю кичик шаҳар ташқарисига чиқади. Ҳар бир киши ўзи билан бир боғ қуруқ шох келтириши керак. Ана шу шоҳлардан катта-катта ғарам уюлиб, гулхан ёқилади. Гулхан атрофида ўйин-кулги, тантаналар алламаҳалгача давом этади.

Кенияда Янги йил иссиқ вақтда бошланади. Шу сабабли бу ерда Янги йилни сувда кутиб олиш одати қадимдан анъана ҳисобланади. Янги йил куни аҳоли қайиқ ёки кемаларга тушиб, дарё, кўл, денгиз ва океанларда сайр қилишади. Оилаларнинг кўпчилиги тўп-тўп бўлиб чўмилишга боришади. Соҳиллар гавжум бўлиб, куй-қўшиқлар алламаҳалгача янграйди.

Финляндияда Янги йил байрами оқшомида хонадонларда ҳар бир меҳмон учун янги йил совғаси олдиндан тайёрлаб қўйилади-ю, лекин устига товоқ тўнтарилган бўлади, бинобарин, товоқ остидан қандай совға чиқиши унинг бахтидан. Қадимий одатга кўра, Янги йил кечаси финлар саримсоқ пиёз билан асал ейиши керак.

Фин қизалоқларининг ғалати одати бор. Янги йил кечаси қизлар кавушини елкаси узра орқага отишади. Агар кавуш тумшуғи билан эшикка тегса, у узатилишга розидир.

Урта асрда инглизлар Янги йилни март ойида кутиб олишарди. 1752 йилда парламент Янги йилни 1 январга кўчириш ҳақида қарор чиқарди. Шундан эътиборан Янги йил 1 январда нишонланадиган бўлган.

Инглизлар Янги йилни одатда, тантана билан нишонлашмайди. Биров бировни Янги йил оқшомига таклиф этмаса-да, лекин таомилга кўра, ҳар бир киши Янги йил оқшоми ёки туни бетакаллуф истаган хонадонига кириб, Янги йил байрамини нишонлайверади. Мезбонлар ҳам бундай кишиларни икки қўли кўксида кутиб олишади. Қадимий одатга кўра, меҳмон ўзи билан жила курси данакдек бўлса-да кўмир келтиришни унутмаслиги керак. Меҳмон кўмирни мезбон хонадони-

нинг ўчоғига ташлар экан, оиланинг қўри ҳеч вақт ўчмасин, дея тилак тилайди.

Шотландияда уй бекалари Янги йил дастурхони учун махсус ёнғоқмағзи ва майиз солинган анъанавий ширмой нонлар ёпишади. Бу ерда соат миллари 12 рақамини кўрсатиши билан эски йилнинг чиқиб кетиши ва янги йилнинг кириб келиши учун уй эшиклари ланг очиб қўйилади. Шундан сўнг хонадон соҳиблари янги йилда уйга биринчи бўлиб ким қадам ранжида қилишини интизорлик билан кута бошлашади. Айтишлари-ча, йилнинг қандай ўтиши худди шу нарсага боғлиқ эмиш. Агар меҳмоннинг сочи қора рангда бўлса, мезбонлар йил бўйи бахт бизга ёр деб ҳисоблашади.

Голландияда Янги йил дастурхонига майизли сомса тортиш одат тусига кирган. Шуниси диққатга сазоворки, уй бекалари бундай сомсани йилда бир мартагина пиширишади. Мамлакат портидаги барча кемалар қоқ тунда узун-узун гудок чалиб, Янги йил кириб келаётганлигини маълум қилади.

Руминияда Янги йил арафасида оила аъзолари байрам столи атрофида тўпланишади. Монголиядаги сингари бу ерда ҳам ичига ҳар турли буюмлар солинган пирог тайёрланади. Пирог еган ҳар киши унинг ичидан чиққан буюмга қараб ўз толеини Янги йилда қандай бўлишини биледи.

Янги йил кириши билан мамлакатнинг ҳамма ерида қадимий колядка маросими қўшиғи баралла янграйди. Қўшиқ айтаётган кишилар қўлларида чўп ёки шохга ўрнатилган сунъий гуллар, чамбарак ва қўнғироқчалар ушлаб туришади. Капра, яъни эчки деб аталувчи Янги йил байрами маросими кенг тарқалган. Сержун адёл ёпиниб, эчки ниқоби тутиб олган киши капра байрами маросими рақсини ижро этади. Бундай қўшиқчилар ҳамма хонадонларда иззат-ҳурмат билан қарши олинди ва зиёфат қилинади.

Анъанага кўра, румин қишлоқларида Янги йилни нишонлаш 14 январда ҳам давом этади. Ана шу кунни ёшлар «плугушорула» деб аталувчи маросим ўтказишди. Бунда ёшлар тўрт ёки олти ҳўкиз қўшилган омоч билан қишлоқни айланиб чиқишади. Омоч ва ҳўкизлар арча шохлари, ранг-баранг лента ва қоғозлар билан безатилади. Йигитлар хонадонларга кириб Янги йилда қилинадиган қишлоқ хўжалик ишлари ҳақида суҳбат ўтказишади. Бу маросимнинг моҳияти янги қишлоқ хўжалик йилини нишонлаш ва деҳқонларга меҳнат

муваффақиятлари, сиҳат-саломатлик ҳамда яхши ҳосил тилашдан иборатдир.

Чехословакияда, айниқса унинг Фарбий Словакия областида Янги йил байрам дастурхонини ҳар доим зора балиқ безаб туради. Янги йилда, кўп мамлакатларда бўлганидек, ҳамма бир-бирига совға-салом улашади. Лекин бу ерда совға қилиш удумининг бошқа мамлакатлардан фарқ қиладиган ўзига хос жиҳати бор: ёқмаган Янги йил совғасини байрамдан кейинги икки кун ичида дарҳол магазинга қайтариш ва бошқасига алмаштириш мумкин.

Венгерлар Янги йил кунини фақат бахт-саодат ҳақида ўйлашади. Бу ерда ғалати бир одат бор. Қишлоқларда оила бошлиғи уйга бир қучоқ похол олиб киради. Шунда уй бекаси: «Нима олиб келдингиз?» деб сўрайди. Эр хотинига юзланиб: «Тинчлик, бахт-саодат, саломатлик олиб келдим», деб жавоб қайтаради. Шундан кейин уй ичига похол сочиб чиқилади.

Венгерларнинг Янги йил оқшоми дастурхонида чўчқа бўлиши шарт. Лекин қовурилган ёки сардак солинган яхна бўлиши шарт эмас, чўчқа шаклидаги шоколад ҳам бўлаверади. Таомилга кўра, бу ерда Янги йил дастурхонига на товук, на ўрдак, на роз, хуллас биронта парранда қўйилмайди. Хонадондан бахт қуши учмасин деб шундай қилинади. Қишлоқларда Янги йил қарши олинадиган кун шўх қўшиқлар янграйди. Қош қорая бошлаши биланоқ йигитлар қайлиқлари уйнинг олдида, қизлар эса қаллиқлар бор уйлар олдида ҳазил-мутойибали ўйинлар қилишади. Янги йил оқшомида ёшу қари, Финляндиядаги сингари, ўзларининг анъанавий таоми — саримсоққа асал суртиб тановул қилишади.

Болгарияда Янги йил кирганлигидан дарак берувчи сўнгги бонг урилганда барча хонадонларда чироқ ўчади. Шу дақиқаларда ҳамма бир-бирини байрам билан муборакбод этади. Венгер аёллари Янги йил дастурхонига тортиш учун махсус пирог пиширишади. Юқорида баъзи мамлакатларда кўрганимиздек пироглар ичига кичик-кичик эсдалик совғаси солинган бўлади. Кимда-ким тангали пирог еса Янги йилда бой бўлади, пироги ичидан атиргул ғунчаси чиққан киши эса ишқ-вафода бахтиёр бўлади, деб ҳисоблашади.

Австрияда мўри тозаловчи ва чўчқа қадим замонлардан буён омад ҳамда эсон-омонлик рамзи ҳисобланган. Нақл қилишларича, қадимда агар Янги йил кутиладиган кунини кўчада мўри тозаловчи кўриниб қолса, одамлар унинг ортидан югуриб, кийимлари-ю юз-

қўлларини унга суртиб қурум юқтиришган. Шундай қилган киши гўё Янги йилда бахтли бўлармиш. Янги йил дастурхони кўрки бўлмиш яхлит пиширилган чўчқа тортиш одати бу ерда ҳам Венгриядагидек ҳануз сақланиб қолган. Мамлакат пойтахтидаги зарбхона бир неча ўн йилдан буён Янги йилга атаб махсус ёдгорлик — медаль зарб этади. Унда чўчқа миниб олган ёш бола тасвирланган.

Қадимги Римда болалар Янги йилни ғалати нишонлашган. Улар олма йиғиб, ичига чақа пулларни тиқишгандан кейин ўткинчиларга улашишган. Олма олган одам эса болаларга танга берган. Бу анъана ҳозир ҳам Италиянинг кўп жойларида сақланиб қолган.

Италянларнинг яна бир ажойиб одати бор. Янги йил кечаси одамлар ўз уйдан нокерак уй жиҳозларини — дарз кетган идиш товоғ-у, синган стол-стулни, хуллас барча эски-тускини ҳовли ёки кўчага улоқтиришади. Шундай қилганда Янги йил хонадонга бахт келтиради, деб ўйлашади.

Бу мамлакат деҳқонлари ҳам вьетнамликлар сингари Янги йил байрамининг биринчи куни қандай ўтказилса, йилнинг қолган кунлари ҳам шундай ўтади деб ишонадилар. Шу сабабдан улар байрам куни асабийлашмасликка, турли хил нохушликлардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилишади.

Италиянинг айрим қишлоқларида деҳқонлар Биринчи январь куни барча дала ишларига бир-бир қўл уришади. Бундан мақсад ана шу ишларнинг ўз вақтида муваффақиятли бажарилишини таъминлашдир. Баъзи районларда эса, аксинча, йил бўйи ҳормайлик деган маънода кун бўйи дам олишади, маза қилиб ухлашади.

Мамлакат қишлоқларида Янги йил арафасида ёки биринчи куни қишлоқларда қизлар ром очишади. Ром очиш усули хилма-хил бўлиб, бўлажак қайлиқни «каронат» қилиш усули шундай: уч дугона ўчоқда уч бўлак қалай парчасини эритади. Қалай эригач, уни тоғорадаги совуқ сувга ташлашади. Маълумки, қалай сувда ҳар хил шаклда қотади. Қалайнинг шаклига қараб, улар бўлажак қайлиғининг ихтисосини «каронат» қилиб беришади. Айтайлик, қалай қотганда, агар болғага ўхшаса қиз — темирчига, аррага ўхшаса — дурадгорга, елканга ўхшаса — денгизчига турмушга чиқаркан.

Нақл қилишларича, Янги йилнинг биринчи куни Италиянинг шаҳару қишлоқларида Фея Бефана исмли сеҳргар кампир пайдо бўлган. Бу ҳақда икки хил аф-

сона бўлиб, улардан бирига кўра, Бефана ичи совғаларга лиқ тўла катта бўхчани эшагига ортиб келган. У ёш болалар бор хонадонлар олдида бирма-бир тўхтаб, дарахтга эшагини боғлаган ва олтин калитчаси билан хонадон эшигини очиб, болаларнинг пойгакда турган ботинкаларини совғалар билан тўлдириб кетган. Иккинчи афсонада нақл қилинишича, Бефанани юлдузлар олиб келаркан. У уйларга дудбўрондан кириб, болаларнинг пайпоғига совға тўлдириб кетаркан.

Судан мамлакатада яшил думбул ёнғоқ Янги йил бахт тумори ҳисобланади. Шу сабабли яшил ёнғоқ топиш суданликларнинг Янги йил арафасидаги энг яхши тилаклари ҳисобланади.

Гвинея мамлакатада Янги йилнинг биринчи куни кўчаларда филлар олиб юрилади. Катта-ю кичик, барча аҳоли қўшиқ айтиб, рақсга тушади.

Кубаликларнинг одатига кўра, янги йилда ҳаёт ширин ўтсин дея 31 декабрь куни соат тунги 12 да соатнинг ҳар бир занг уришида бир гужумдан узум ейиш шарт.

Мексикаликларнинг ўзларига хос Янги йил маросими бор. Меҳмонлар йиғилган хона шипига ичига ширинликлар тўлдирилган катта хум осилади. Пината деб аталадиган бу хум сиртига ҳар турли баҳайбат махлуқлар ва ҳайвонларнинг тасвири туширилади. Навбатманавбат меҳмонларнинг кўзини бойлаб, қўлига таёқ тутқазилади. Меҳмонлардан кимда-ким пинатани синдирилса, у Янги йилда бағоят бахтиёр бўлади.

Муҳтарам китобхон, биз сиз билан жаҳоннинг айрим мамлакатларигагина саёҳат қилиб, Янги йил байрамнинг қандай маросимлар билан кутиб олинишининг ғойибона гувоҳи бўлдик. Жаҳон мамлакатларида Янги йил қачон, қандай кутиб олинишидан қатъи назар, ҳамма ерда эзгу ниятлар, яхши тилаклар, одамларда дилхушлик кайфияти жўш уради.

Ватани, миллати, диний мазҳабидан қатъи назар, Янги йилни кутиб олиш расм бўлиб қолган даврлардан буён ҳамма бир-бирини муборакбод этиб, бир-бирига бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, яхши кайфият тилайди. Зеро, булар кишилик ҳаётининг зийнати-да!

### Унда тарих мужассам

Кишилар маданияти ва турмуш тарзи тарихий ривожланиш жараёнида ўзгара борган. Узоқ даврлардан бери давом этиб келган анъанавий жиҳатларнинг кўпи

турли сабабларга кўра йўқолган, аксари ҳолларда ҳозирги ҳаётни ва айрим халқларга хос характерларни ўзида акс эттирувчи янги элементлар вужудга келган. Шу боисдан халқлар тарихи музейларининг, айниқса, тарихий-этнографик музейларнинг илмий-маърифий аҳамияти тобора ошиб борапти.

Умуман олганда этнография музейларининг ташкил этилиши анча олис вақтларга бориб тақалади.

Хусусан, XIX асрда этнографиянинг фан сифатида расмийлашиши Европа ва Америка давлатларида махсус этнография музейлари шаклланишига олиб келди. Музейлар Россия Фанлар академиясининг Антропология ва этнография музейлари каби этнографик билимларни тарғиб қилувчи ҳамда шу йўналишда тадқиқотлар олиб боровчи мустақил илмий марказларга айлана бошлади.

Кўпгина чет мамлакатларда этнография музейлари бўлиб, уларнинг аксарияти университет ҳамда академия муассасалари ҳузурида ташкил этилган. Масалан, Англияда машҳур Британия музейининг этнография бўлими, Оксфорд университети қошидаги Питт Риверс музейи бор. Британия музейи жаҳон халқларининг, айниқса тубжой аҳолиларининг турмуши ва маданияти, урф-одатларига оид кўплаб этнографик коллекцияларни сақлаб келмоқда. Музейининг этнография бўлимида Американинг майя қабиласи маданияти, Конго халқининг этнографиясига оид денгиз сайёҳи Д. Кук тўплаган коллекциялар, Полинезия ва Шимоли-Ғарбий Америка халқлари этнографиясига оид буюмлар, Лондон миссионерлари жамияти томонидан тўпланган коллекциялар сақланмоқда.

Оксфорд университетига қарашли Питт Риверс музейининг дастлабки сақловчиси, машҳур олим Эдуард Тейлор ишқибозларни этнография бўлимига жалб этади. Музейининг илмий ходимлари орасидан кўплаб машҳур мутахассислар, жумладан этнограф Жеймс Фрезер етишиб чиқди. Ҳозир Питт Риверс музейи Оксфорд университети Антропология кафедрасининг илмий-ўқув базаси ҳисобланиб, у ерда Бирма, Тасмания, Ассам, Океания, Япония халқларига оид қимматли нодир этнографик коллекциялар ҳам бор.

Этнография тараққиётида Голландия, Франция ва Швеция этнографик музейлари муайян роль ўйнади. Айниқса, ўзининг таниқли мутахассислари билан машҳур бўлган Голландиянинг Лейден шаҳридаги Миллий этнография музейи Европада энг йирик муассаса ҳи-

собланиди. Бу музей коллекциялари асосида Голландиянинг собиқ колониялари: Индонезия, Янги Гвинея халқларининг турмуши ва маданиятига мансуб буюмлар ҳамда Бенин шаҳри, Марказий Американинг майя, япон маданияти ёдгорликлари тўпланган. Кўпгина нашр этилган этнографик монографияларнинг манбаини бу музейларнинг коллекциялари ташкил этиб, уларда этнографиянинг муҳим масалалари ёритилган. Лейден ҳамда Роттердамдаги География ва этнология музейи Голландияда этнография фани маркази ҳисобланади.

Мавқеи жиҳатдан дунёда энг йирик, кекса музейлардан бири Берлиндаги этнография музейи бўлиб, у 1855 йилда ташкил этилган. Унинг фондида дунёнинг турли районларида истиқомат қилаётган халқлар тарихига оид 330 мингдан ортиқ экспонат бор.

ГДРдаги Лейпциг этнография музейи ҳам дунёдаги кўна музейлардан саналиб, немис этнографиясида олдинги ўринлардан бирида туради. Мана шундай этнографик музейларни Краков, Прага, Париж, Нью-Йорк, Вашингтон, Оттава шаҳарларида ҳам учратиш мумкин.

Россиядаги этнография музейи Кунсткамера замида ташкил топган дастлабки музейлардан эди. Ҳозир бу музей Ленинградда тарихий Кунсткамера биносида жойлашган бўлиб, жаҳондаги кўпгина мамлакатлар аҳолисининг турмуш ва маданиятига оид бой этнографик, антропологик ва археологик коллекциялардан ташкил топган. Музейда 146 мингга яқин этнографик, қарийб юз мингта антропологик ҳамда 380 мингта археологик экспонатлар сақланмоқда. 1900 йилдан бошлаб ҳар йили «Антропология ва этнография музейи тўплами» нашр этиб келинади.

Октябрь революциясидан сўнг Рус музейи рус ҳайкалтарошлиги, графика ҳамда тасвирий санъат музейига айланиб, этнография бўлими эса мустақил равишда СССР халқларининг Давлат этнография музейига айланди.

Республикамизда махсус этнография музейи бўлмаса-да, бироқ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида Этнография бўлими, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида Фольклор ва этнография бўлимлари ишлаб турибди. Улар тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга, ўзбек халқининг турмуши ва маданиятига оид кўпгина коллекциялар тўплайпти.



## МУНДАРИЖА

Тадқиқот манбаи — халқ . . . . .	3
Жаҳонгашта жасорати . . . . .	7
Аждодлар дастхати . . . . .	13
Тақиқ ҳақида тадқиқ . . . . .	17
Осмондан тушган элат . . . . .	24
Гуллар ва удумлар . . . . .	29
Алвасти: афсона ва ҳақиқат . . . . .	35
Янги йил эшик қоққанда . . . . .	43
Унда тарих мужассам . . . . .	54